Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 2 декабрь 1973 йил, якшанба ◆ № 284 (15.758). ◆ Баҳоси 2 тийин.

БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

ХАЛҚ НАЗОРАТИ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАЁТИДА МУҲИМ ВОҚЕА

Бу йил халқ контроли группа ва постларининг ваколат муддати тугайди. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети тасдиқлаган СССР халқ контроли органларининг низомида белгиланганига кўра, меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари, корхоналар, қурилиш ташкилотлари, колхозлар, совхозлар ва муассасалар халқ контроли группа ва постларида 1973 йил декабридан 1974 йил февралигача навбатдаги ҳисобот ва сайловлар ўтказилади.

КПСС XXIV съезди партия ва совет органларига, шунингдек халқ контроли органларига ижрони мунтазам текшириб боришни диққат марказида тутишни топширди. «Партия кенг омманинг доимий ва амалий таъсирчан контроли тўғрисидаги ленинча ғояларни огишмай амалга оширишда ҳақида бундан буён ҳам гамхўрлик қилаверади» деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездига қилган ҳисобот докладида.

Халқ контроли органлари партия ташкилотлари раҳбарлигида ишлаб омманинг ҳурмат-эътиборини қозонган катта жамоатчилик кучига айланди. Халқ назоратчилари меҳнат коллективлари томонидан сайлаб қўйиладилар. Улар вақти-вақти билан ана шу коллектив олдида ҳисоб бериб борадилар. Халқ контроли органлари системасининг негизи группа ва постлардир.

Ҳозир республикамиздаги ишлаб чиқариш корхоналари ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, муассаса ва ташкилотларда ўз сафига 311 минг назоратчини бирлаштирган 14 мингта группа ва 33 мингтадан ортиқ постлар иш олиб бормоқда. Халқ контроли группа ва постлари халқ хўжалигининг барча соҳаларида ташкил этилган. Улар давлат ва халқ номидан иш олиб борадилар. Назоратнинг оммавийлиги халқ хўжалиги ва маданий қурилишнинг барча участкаларида мунтазам назорат ўрнатилганлиги партия ва совет органларига самарали ёрдамни таъминламоқда. Бу ёрдам айниқса тежамкорлик давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун курашда, ҳар бир совет кишисида жамоат иши учун юксак масъулият ҳиссини тарбиялашда яққол сезилмоқда.

Халқ контроли органларининг актив иштироки билан ўтган йили республикамизда 140 миллион киловатт-соат электр энергияси, 300 минг килокалорияли иссиқлик манбалари тежаб қолинди, 320 та корхона, ташкилот ва хўжаликда 2200 тоннадан ортиқ қора металл прокати, 1800 тонна цемент, 11,5 минг куб метр ёғоч материаллари иқтисод қилинди.

Пахта йиғим-терими мавсумида назоратчиларнинг ватанпарварлик ташаббуслари колхоз ва совхозлар ишида катта ёрдам берди. Далаларда, «Узсельхозтехника» район бирлашмаларида, хирмон ва пунктларда, машиналар группа усулида ишлатилган жойларда 4 мингдан ортиқ муваққат постлар ташкил этилди. 160 мингдан кўпроқ халқ назоратчиси йиғим-теримда актив иштирок этди. Шу билан бирга улар пахта нобудгарчилиги олдини олиш учун кураштилар.

Эндиги вазифа — халқ контроли группа ва постларининг янада активроқ ишлаб, ўзлари меҳнат қилаётган жойларда рўй бераётган камчиликларни тугатишда маъмуриятга яқиндан ёрдам берилишини таъминлашдан иборатдир.

Группа ва постларда ҳисобот ва сайловлар муҳим сиёсий кампаниядир. Бу тадбир республикамиз меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди кўйган вазифаларни изчил амалга ошираётган бир даврда утмоқда. Ҳисобот докладларида халқ назоратчиларининг съезд қарорларини амалга оширишга, партия ва ҳукумат Директивааларининг бажарилишини назорат қилиб боришга қўшаётган ҳиссалари, партия, совет ва хўжалик ташкилотларига план ва топшириқларни оширишда яқиндан бераётган ёрдамлари, ишлаб чиқариш резерваларини топиш ва ишга тушириш, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятлари ўз аксини топиши лозим.

Ҳисобот ва сайловлар муносабати билан барча халқ контроли комитетлари ана шу муҳим кампанияга тайёргарлик тадбирларини ишлаб чиқдилар, семинар ва кенгашлар ўтказилди. Группа ва постларнинг ташкилий структураси ва сифат состави кўздан кечирилди. Айниқса Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Сирдарё, Хоразм областлари ва бир қатор шаҳар ва район халқ контроли комитетлари бу муҳим сиёсий ишга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Партия ташкилотлари группа ва постларда ўтадиган ҳисобот ва сайловларга диққат-эътибор билан қарамоқдалар. Тайёргарлик масалалари партия комитетлари ва партия бюролари мажлисларида, коммунистларнинг йиғилишларида муҳокама қилинмоқда. Самарқанд, наманган, Фарғона ва Хоразм областларининг район ва шаҳар партия комитетлари халқ контроли органларида бўладиган йиғилиш ва конференциялар графигини тузиб чиқиб, жуда тўғри иш қилдилар. Ҳар бир ҳисобот-сайлов йиғилишида партия, совет ва хўжалик раҳбарлари қатнашадилар. Бу эса халқ контроли группа ва постларининг бош йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш, назоратчиларнинг активлигини ошириш, уларнинг ролини янада кучайтиришга имкон беради.

Ҳисобот ва сайлов йиғилишларида меҳнат коллективлари халқ назоратчиларини сайлашга юксак масъулият ва талабчанлик билан ёндашмоқлари лозим. Группа ва постларни коллективнинг энг яхши ва тадбиркор аъзолари билан мустаҳкамлаш ҳар бир партия ташкилотининг вазифасидир. Группа ва постлар аъзолигига коммунистлар, комсомол аъзолари ва партиясиз активлардан иборат, ўз коллективларида ҳурмат-эътибор қозонган илғор ишчилар, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларнинг вакилларини сайламоғи керак.

Группа ва постларнинг фаолияти кўп жиҳатдан унинг раисларининг ишбилармонлигига, ўзига топширилган вазифани сидқидилдан адо этишига, ташкилотчилигига боғлиқ. Ана шуни эътиборга олиб, группа раислигига ташкилотчи ва принципиал кишиларнинг сайланиши зарур.

Халқ контроли группа ва постлари халқ назорати системасида асосий ва шу билан бирга оммавий звенолардандир. Улар ёрдамида халқ хўжалиги ва маданий қурилишнинг барча участкаларида ҳамма соҳаларни қамраб оладиган доимий қаракатдаги назорат амалга оширилади. Группа ва постлар янада актив қаракат қилиши учун назоратнинг форма ва методларини янада такомиллаштириш, назоратнинг оммавийлиги, таъсирчанлиги ва ошкоралигини таъминлаш лозим. Бу — партия ташкилотларининг кундалик вазифаларидан биридир.

Халқ контроли группа ва постларида ўтказиладиган ҳисобот ва сайловлар уларни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, активлиги ва обрўсини оширишда катта роль ўйнайди. Шунинг учун бу муҳим сиёсий кампанияга ҳамма жойда пухта тайёргарлик кўрилишига ва йиғилишларнинг меҳнаткашларнинг актив иштирокида юксак савияда ўтишига эришайлик.

Зафар сатрлари

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Узбекгидроэнергострой» трестининг коллективи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун курашни авж олдириб, қурилиш-монтаж ишлари юзасидан беш йилликнинг уч йили планини ва ўн бир ойлик программасини бажарганлиги тўғрисида 22 ноябрда рапорт берди. Трест энергосозлари йил охиригача топшириқдан ташқари қарийб икки миллион сўмлик турли ишларни бажариш мажбуриятини олдилар.

* * *

Урта Осиёда энг катта Тошкент гўшт комбинатининг коллективи пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик социалистик мажбуриятини муддатидан олдин бажарди. Планга қўшимча равишда 280 тонна гўшт маҳсулотлари, 163 тонна колбаса ва икки юз тоннадан ортиқ суяк талқони ишлаб чиқилди. Бундай муваффақиятга меҳнатни ташкил этиш ва технология процессларини яхшилаш ҳисобига эришилди.

Корхона коллективи социалистик мажбуриятларни яна бир муддани бажарди: олий навли «Тошкент қазиси»га сифат белгиси берилди. Бу қазини тайёрлаш технологиясини корхона мутахассислари ишлаб чиқишди. Чўчқа гўштидан тайёрланиб дудланган «Нежное» фелеси ва мол гўштининг тўши халқ хўжалик ютуқлари виставкасининг бронза медалларига сазовор бўлди.

Комбинат коллективи ҳозиргача пландан ташқари 120 минг сўм фойда олди.

* * *

Навоий қурилиш бошқармасининг механизаторлари йиллик планни бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар.


Николай Федотов бошлиқ электр пайвандчилар бригадаси, Павел Бондаренко бошлиқ слесарлар бригадаси, Иван Семкин, Юрий Курев, Илья Калинин раҳбарлигидаги экскаваторчилар экипажлари йил бошидан бери мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Улар кунлик топшириқни 130-140 процентга етказиб бажармоқдалар.

Механизаторлар ўз имкониятлари ва резервларини ҳисобга чиқиб, йил охирига қадар планда кўзда тутилганига нисбатан бир юз етмиш минг сўмлик қурилиш ишлари бажаришга қарор қилдилар.

* * *

Узбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг саноат корхоналари ва ихтисослаштирилган совхозлари коллективлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулотни реализация қилиш ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш ўн бир ойлик планини 21 ноябрда бажардилар. Ой охиригача топшириқдан ташқари 18,5 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинади.

(ЎзТАГ).



КПСС XXIV съезди Директивааларида қайд этилган йирик қурилишлардан бири Қўқон шаҳрида муддатидан илгари бунёд этилмоқда. Тўқимачинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йили сўнгги ойида Урта Осиёда энг йирик ҳисобланган хром чармлари ишлаб чиқарадиган бу завод маҳсулот бера бошлайди. Корхона энг янги ускуналар билан жиҳозланган. Суратларда: шу корхонанинг қатор технологик ускуналари тасвирланган.

В. Сироткин фотолари.

Деҳқон бўлсанг шудгор қил!

Республика областларида кузги шудгорларни бориш тўғрисида 1973 йил 1 декабрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи стун—областлар, иккинчи стун—ҳайдалган майдон (минг гектар ҳисобида); учинчи стун — планнинг бажарилиш процента

Хоразм	8,6	107,3
Тошкент	216,5	103,0
Сирдарё	286,5	98,6
Самарқанд	219,9	92,7
Андижон	156,1	89,2
Фарғона	69,8	70,4
Сурхондарё	86,1	61,3
Наманган	75,6	56,1
Бухоро	99,0	54,1
Қашқадарё	72,2	51,0
ҚҚАССР	17,9	26,4
Республика бўйича:	1308,2	77,5

САМИМИЙ ҚАРДОШЛАРЧА ВАЗИЯТ

БЕРЛИН, 30 ноябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари П. Н. Демичев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети делегацияси билан Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ГБСП Марказий Комитети секретари К. Хагер бошчилигидаги ГБСП Марказий Комитети делегацияси ўртасидаги музокаралар тугалланди. Идеология ишлари соҳасида ҳар иккала қардош партия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида келишиб олинди.

ГБСП Марказий Комитети билан КПСС Марказий Комитети делегациялари ўртасидаги суҳбатлар самимий ва қардошларча вазиятда ўтди.

КПСС Марказий Комитети делегацияси ГДРнинг санъат арбоблари, маданият ходимлари ва журналистлари билан ҳам учрашди. Учрашувда ГБСП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Хонеккер, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, Марказий Комитет секретарлари ва бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети делегацияси Ватанига жўнаб кетди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ХАЛҚ АРТИСТИ М. И. ЦАРЕВГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет театр санъатини ривожлантиришдаги жуда катта хизматлари, самарали ижтимоий фаолияти учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан ССР Иттифоқи Давлат академик малий театрининг артисти, СССР халқ артисти Михаил Иванович **Царевга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ҳамда **«Уроқ ва Болға»** олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1973 йил, 30 ноябрь.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларидаги кўп йиллик самарали ишлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлганлиги муносабати билан республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер Анатолий Николаевич **Склярови**н Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика совет органларидаги кўп йиллик самарали ишлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлганлиги муносабати билан Узбекистон ССР социал таъминот министрининг биринчи ўринбосари Александр Петрович **Махров**ни Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет органларидаги кўп йиллик самарали ишлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлганлиги муносабати билан Урганч район ижроия комитетининг раиси Онабиби **Матчонова**ни Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

«МОЛНИЯ-1» УЧИРИЛДИ

1973 йил 30 ноябрда Совет Иттифоқида навбатдаги алоқа йўлдоши «Молния-1» учирилди. «Молния-1» алоқа йўлдоши олис телефон-телеграф радио алоқаси системасидан фойдаланишни таъминлаш, шунингдек СССР Марказий телевидение программаларини «Орбита» тармоғининг Узоқ Шимол, Сибирь, Узоқ Шарқ ва Урта Осиё районларида жойлашган пунктларига узатиш учун мўлжалланган.

Олинган маълумотларга кўра, йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. «Молния-1» йўлдоши орқали алоқа сеанслари белгиланган программага мувофиқ ўтказиб турилади.

СССР Министрлар Советида

КПСС XXIV съездининг Директиваларига ва «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик давлат плани тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ, инвалид бўлиб колган ишчилар, хизматчилар ва ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлган оилаларнинг пенсия таъминотини янада яхшилаш мақсадида СССР Министрлар Совети меҳнат ва уруш инвалидларига, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлган оилаларга бериладиган пенсияларнинг минимал ва максимал миқдорини ошириш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиқди. Бу тадбирлар СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан тасдиқланди.

Масалан, I группадаги меҳнат инвалидлари оладиган пенсияларнинг минимал миқдори ойига 50 сўмдан 70 сўмгача, II группа меҳнат инвалидлари оладиган пенсияларнинг минимал миқдори ойига 30 сўмдан 45 сўмгача, I группадаги уруш инвалидларига ойига 72,5 сўмдан 90 сўмгача, II группадаги уруш инвалидларига ойига 53,5 сўмдан 70 сўмгача, боқувчисидан маҳрум бўлган ишчи ва хизматчиларнинг оилаларига ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг меҳнатга қобилиятсиз уч ёки ундан ҳам кўпроқ аъзоси бўлган оилаларига ойига 50 сўмдан 70 сўмгача ва меҳнатга қобилиятсиз икки аъзоси бўлган оилаларга ойига 30 сўмдан 45 сўмгача оширилади. Пенсионерларнинг мазкур категориялари учун пенсияларнинг максимал миқдори ойига 120 сўмгача кўпайтирилади.

1 ва 2 группадаги инвалидларга ўз боқимидаги кишилар учун ва 1 группадаги инвалидларни боқиш учун ҳозирги вақтда пенсияга процент ҳисобида тўланаётган устама ҳақ ўрнига анча юқори қатъий устама ҳақ бериладиган бўлади.

Айни вақтда инвалидлик бўйича ва боқувчисидан маҳрум бўлиб қолганлиги учун пенсияларни белгилаш юзасидан амалда бўлган тартиб ўзгартирилади. Бу пенсиялар ҳозирги вақтда қарилик бўйича пенсия белгилаш учун жорий қилинган тартибга мувофиқ белгиланади. Шу билан бирга меҳнат вақтида майиб бўлиб қолган 1 группадаги инвалид ишчи ва хизматчиларга бериладиган пенсиялар, шунингдек 1 ва 2 группадаги уруш инвалидларига бериладиган пенсиялар қарилик бўйича иш ҳақидан ҳисобланадиган пенсиялар миқдоридан кўпроқ миқдорда белгиланади.

Ишчилари, хизматчиларни, ҳарбий хизматчилари, уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлашни янада яхшилаш тадбирлари амалга оширилиши натижасида инвалидлик бўйича ва боқувчисидан ажралиб қолганлиги учун бериладиган пенсияларнинг миқдори оширилади. Масалан, меҳнат инвалидлари оладиган пенсияларнинг ўртача миқдори 1 группа бўйича 37 процент ва 2 группа бўйича 47 процент кўпайтирилади, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатга қобилиятсиз уч ёки бундан ҳам кўпроқ аъзолари бўлган оилаларининг пенсияси 55 процент оширилади.

Инвалидларнинг ва боқувчисидан маҳрум бўлган оилаларнинг пенсияларини ошириш учун 1 миллиард сўм сарф қилинади.

Шу билан бирга СССР Министрлар Совети офицерлар, прапорщиклар, мичманларнинг ва СССР Қуролли Кучлари сафларида муддатдан ортиқ хизмат қилган ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек СССР Ички ишлар министрлиги органларидаги бошлиқлар ва оддий аскарлар составига мансуб бўлган шахсларнинг инвалидлик бўйича оладиган пенсиялари ва уларнинг боқувчисидан маҳрум бўлган оилаларига бериладиган пенсияларни янада оширишни зарур деб топди.

Ҳарбий хизматчиларнинг боқувчисидан маҳрум бўлган оилаларига бериладиган пенсияларни 1973 йил 1 декабрдан бошлаб, боқувчисидан маҳрум бўлган бошқа оилаларнинг пенсияларини ва инвалидларнинг пенсияларини 1974 йил 15 декабрдан бошлаб ошириш кўзда тутилади.

КЕНЖАТОЙЛАРИМИЗ СОҒ БЎЛСИН!

КПСС XXIV съезди Директивалари асосида қабул қилинган яна бир муҳим социал тадбир Совет Иттифоқида амалга оширила бошланди.

СССР Министрлар Совети ишчи, хизматчи ва колхозчи аёлларга ҳомиладорлик ва туққанлик учун отпуска ҳақини уларнинг меҳнат стажи ва касаба союзига аъзолигидан қатъий назар, 1973 йил 1 декабрдан бошлаб 100 процент миқдорида тўлай бошлашга қарор қилди. СССР Министрлар Совети шунингдек касал болани парвариш қилиш вақти учун бериладиган касаллик варақаси ва ҳақ тўлаш муддатини ҳам узайтиришга қарор қилди. Бу қарор Коммунистик партия белгилаган халқ фаровонлигини ошириш программаси, партия иқтисодий сиёсатининг олий мақсади бўлган программа муваффақиятли амалга оширилаётганлигини исбот этмоқда.

● ●

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бундан илгариги барча планлари сингари тўққизинчи беш йиллик план ҳам оналар ва болаларнинг манфаатларини таъминлаш билан бевосита боғлиқ тадбирлар учун маблағларни анча кўпайтиришни назарда тутади. Белгиланган тадбирлардан бир қанчаси эса амалга оширилди. Минг-минглаб ихтисослаштирилган касалхоналар ва поликлиникалар, болалар боғчалари ва яслилар, умумий таълим мактаблари ва мактаб-интернатлар, пионер лагерлари ва болалар санаторийлари қурилди. Шу муассасалар учун ажратилган маблағлар миқдори тобора кўпайтирилмоқда.

Она ва болаларнинг манфаатларини таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган енгилликлар ва қулайликлар рўйхатига нафақа тўлашнинг белгиланган янги тартиби бирон бир ўзгариш киритмайди. Ҳомиладорлик ва туққанлик учун, касал болани парвариш қилиш учун нафақа илгари ҳам бериб турилар эди. Шу мақсадлар учун, шунингдек кўп болали ва ёлғиз оналар учун, болаларни парвариш қилиш ва эмизиш учун нафақа тўлашга ўтган йили давлат бир ярим миллиард сўм сарфлади. СССР Министрлар Советининг юқорида айтиб ўтилган қарори кучга киргандан кейин қулайликлар ва имтиёзларнинг мазмуни ўзгаради. Бу қулайликлар ва имтиёзларнинг таъминланиши қўшимча равишда катта маблағ сарфлашни талаб қилади.

1973 йил 1 декабрдан бошлаб ҳомиладорлик ва туққанлик учун нафақани ишлаётган ҳамма аёллар тўла иш ҳақи миқдорида олади. Лекин шу ҳақни тўлаш тартибида битта шарт бор: нафақани олдинроқ тугмасдан олдинги бутун давр учун ҳам, туққандан кейин эса, туққандан кейинги бутун давр учун олдиндан тўлашга қарор қилинди.

Касал болани парвариш қилиш учун касаллик варақаси бериш ва унга ҳақ тўлашга келганда, ҳозир амалдаги қоидани эслатиб ўтиш керак бўлади. Бундай нафақа ҳозирги вақтда касал бола парвариш қилишга мажбур бўлган давр учун, аммо уч кундан ошириқмаган ҳолда берилмоқда. Янги қоида бўйича етти кундан кўп бўлмаган муддатгача берилади. Ёлғиз оналарга, бева ва эридан ажралган аёлларга етарли узоқ мактабгача ёшда бўлган касал болаларини парвариш қилишга мухтож бўлсалар, касаллик варақаси ўн кунгача муддатга берилиши мумкин.

Бутуниттифоқ касаба союзлари марказий совети давлат социал страхование бўлими мудирининг ўринбосари Г. С. Симоненконинг маълум қилишича, янги қоида асосида нафақа, белгилаш узоқ шимол районларида ва узоқ шимол районларига тенглаштирилган жойларда, Европа шимолида (Архангельск областида, Карелия АССР ва Коми АССРда), шунингдек Пермь ва Свердловск областларининг шимолий районларида 1973 йил 1 декабрдан бошлаб жорий этилади.

* * *

Узоқ Шарқ ва Сибирнинг бошқа районларида, Урал районларида (юқорида айтиб ўтилган Пермь ва Свердловск областлари районларидан ташқари), Қозогистон ва Урта Осиёда нафақа тўлашнинг янги тартиби 1974 йил 1 июлдан, мамлакатнинг қолган районларида 1974 йил 1 декабрдан жорий этилади.

В. БЕЛЯЕВ,
ТАСС обзорчиси.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

7-кўприксозлик трести коллективи аъзолари беш йилликнинг уч йили топшириқларини муддатидан олдин бажарганлиги тўғрисида рапорт бердилар. Кўприксозлар йил охиригача қолган вақт ичида планга қўшимча суратда бир миллион беш юз олтмиш сўмлик қурилиш-монтаж ишини бажаришга қарор қилдилар.

* * *

Хоразм область саноатининг ходимлари тўққизинчи беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун бошланган социалистик мусобақани кенг авж олдириб товар маҳсулотини, шунингдек саноат буюмларининг кўпчилик муҳим турларини реализация қилиш ўн бир ойлик планини муддатидан олдин бажардилар.

(ЎзТАГ).



Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати коллективи ҳал қилувчи йил топшириғини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқда. Суратда: корхона пешқадамларидан Насиба Жўраева. У кундалик топшириқни 1,5 бараварга етказиб бажармоқда.

И. Глауберзон фотоси.

Планетамизда

САМАРАЛИ ЯКУНЛАР

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ҲИНДИСТОНГА ҚИЛГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИДА БАЁН ҚИЛИНГАН ФИКРЛАР

Жаҳон жамоатчилигининг, газеталарнинг диққат-эътибори КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми аъзоси Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити якунларига бағишланган. Деҳлида имзоланган Совет — Ҳиндистон қўшма ҳужжатларининг катта аҳамиятга эга эканлиги, олий даражадаги Совет — Ҳиндистон музокараларининг самарали ўтганлиги таъкидланади.

◆ ДЕҲЛИ. Л. И. Брежнев визитининг тугалланганлиги Ҳиндистон матбуотида асосий мавзу бўлиб қолди. «Таймс оф Индиа» газетаси Л. И. Брежневнинг парламентда сўзлаган нутқини эълон қилиб, ўз сарлавҳасида «Осиёда коллектив хавфсизлик — замон тақозоси», деб ёзади. Коллектив бўлиб куч-ғайрат сарфлаш йўли билан Осиёда хавфсизликни таъминлаш ғоясига қизиқиш жаҳонда тобора кучайиб бормоқда, деб ёзади газета. Ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш вазифалари Ҳиндистонда тўла маъқулланиб, актив равишда қўллаб-қувватланганлигини газета уқтириб ўтди.

«Патриот» газетаси Л. И. Брежнев визитининг якунларига бағишланган «Ҳиндистон — Совет дўстлигининг янги истиқболлари» сарлавҳали мақоласида «Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида олий даражада олиб борилган музокаралар дўстлигимизни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш йўлида Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи биргаликда амалга ошираётган тадбирлар муҳим эканлигини исбот этиш учун хизмат қилади», деб таъкидлайди.

«Нэшнл геральд» газетасининг ёзишича, қўшма декларация ва иқтисодий ҳамда савдо-сотиқ соҳасидаги ҳамкорлик ҳақидаги битим ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларга янги ижобий мазмун бағишлайди.

Л. И. Брежневнинг визити КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ҳиндистоннинг самимий ва ишончли дўсти эканлигини равшан исбот этди, деб ёзади ҳафталик «Линк» газетаси. «Ҳар иккала мамлакат раҳбарлари ўртасида олиб борилган музокаралар, — деб давом қилади «Линк» газетаси, — Ҳиндистон — Совет муносабатларини ривожлантириш тарихида яна бир муҳим ва унутилмас босқич, Осиёда ва бутун дунёда вазиятнинг бундан буёнги ривожига, ҳеч шубҳасиз чуқур ижобий таъсир кўрсатадиган воқеадир».

Матбуот Совет — Ҳиндистон музокаралари чоғида Пекиннинг яна бир тўхмат кампанияси бошланганлигига эътибор бермоқда. «Таймс оф Индиа» ва бошқа газеталарнинг уқтириб ўтишича, Хитой пропагандаси СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларга доғ туширишга, ҳар иккала мамлакат сиёсати ва мақсадларининг ҳақиқий тинчликсеварлик характерини бузиб кўрсатишга уринганлигини уқтириб ўтмоқдалар. Пекиннинг даъволари, деб ёзади «Таймс оф Индиа», шу қадар тутуруқсизки, бирон бир эътибор беришга арзимайди. «Пекин, — деб ёзади газета, — воқеаларнинг боришидан ғоят орқада қолди». «Фри пресс Журнэл» газетаси ва бошқа газеталарнинг мақолаларини масхара қилиб кулмоқдалар.

◆ ВАРШАВА. «Трибуна люду» газетаси Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити ғоят самарали бўлди, деб ҳозирнинг ўзидаёқ айтиш мумкин, деб таъкидлайди. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Ҳиндистон давлати раҳбарлари билан олиб борган музокаралари ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар учунгина катта аҳамиятга эга бўлиб қолмай, шу билан бирга бутун дунёда ва айниқса Осиёда тинчлик вазиятини вужудга келтиришга жиддий таъсир қилади.

◆ ДАККА. Бангладеш Халқ Республикасининг жамоатчилиги Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити якунларини табриклламоқда, Бангладеш тинчлик конгрессининг Бош секретари Али Асқад мухбирларга бундай деди: «Бу визит Ҳиндистон — Совет муносабатлари учунгина эмас, бутун Осиё учун ҳам ғоят катта аҳамиятга эгадир». Биз бу визитни Осиёда тинчлик, хавфсизлик ўрнатиш йўлидаги муҳим босқич сифатида табриклаймиз, деб илова қилди у.

◆ КАТМАНДУ. Непалдаги «Коммонер» газетаси ўзининг бош мақоласида: «Бутун дунё халқларининг диққат-эътибори Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визитига қаратилди», — деб ёзади. Газета иккала мамлакатнинг бир-бирига яқинлашуви фақат Осиёдагина эмас, балки бутун дунёда ҳам тинчликни мустаҳкамлаш ва муқимлаштириш учун хизмат қилади, деб таъкидлайди. Газета, бу визит, «антисоветизмни ўз сиёсати учун асос қилиб олган ва Осиёда ўз гегемониясини ўрнатиш учун халқаро миқёсда тангликлар келтириб чиқаришга уринаётган кимсаларгагина ёқмаганлигини» уқтириб ўтади. Лекин инсониятнинг тинчлик сари интилиши енгилмасдир, деб таъкидлайди газета. Л. И. Брежневнинг визити ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган ҳиссадир.

◆ ПАРИЖ. «Юманите» газетаси Л. И. Брежневнинг парламентда сўзлаган нутқини шарҳлаб, бу нутқ «тўла-тўкис Осиёда ва бутун дунёда кескинликни тоборо камайтиришга ва кескинликнинг камайиш жараёнини Осиёда ва бутун дунёда кенг ёйишга қаратилганлигини» уқтириб ўтади. Л. И. Брежнев, деб давом этади газета, Индира Гандининг ва ҳукуматининг империализмга қарши ва тинчликсевар сиёсатига юксак баҳо берди ҳамда Осиёда ва халқаро миқёсда Ҳиндистоннинг обрў-эътибори ўсаётганлигини табриклади. Л. И. Брежнев жаҳонда бўлаётган ўзгаришлардан, кескинликни камайтиришга бўлган интилишдан мамнун эканлигини билдирди. Бу жараён инсониятнинг ядро урушидан халос бўлишига имкон беради.


Франция савдо-саноат доираларининг органи «Экё» газетаси Л. И. Брежнев Осиёда коллектив хавфсизлик тўғрисидаги масалани чуқур ва ҳар тарафлама муҳокама қилишга чақирди, деб ёзади. (ТАСС).

ВИЗИТ ТУГАПЛАНДИ

БАҒДОД, 1 декабрь. (ТАСС). Ироқ Республикаси ҳукумати ва Араб Социалистик уйғониш партияси маҳаллий раҳбарлигининг таклифига биноан бу ерда визит билан бўлган КПСС Марказий Комитети секретари, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг ташқи ишлар комиссияси раиси Б. Н. Пономарев бошчилигидаги Совет делегацияси кеча Бағдоддан Байрутга учиб кетди.

Совет делегацияси ҳар иккала мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш тўғрисида Араб Социалистик уйғониш партияси раҳбарлари билан музокаралар олиб борди. Музокаралар натижасида Б. Н. Пономарев ва Муртазо Саид Абдул Бақий Ироқ Араб Социалистик уйғониш партияси ўртасидаги партиявий алоқалар тўғрисида протокол имзоладилар.

Совет делегацияси шу куни Байрутга келди.



Ҳиндистонда Совет Иттифоқи ёрдамида 70 дан ортиқ корхона қурилган ва қурилмоқда. Бхилаи металлургия комбинати икки улуғ мамлакат иқтисодий ҳамкорлигининг ёрқин рамзи бўлиб турибди. Суратда: металлургия комбинати участкаларидан бирининг кўриниши.

В. Кошевой фотоси. (ТАСС).

НАЗОРАТНИНГ ЛЕНИНЧА ПРИНЦИПИ АМАЛДА

Республикамиз халқ контроли органлари ҳаётида муҳим давр — группа ва постларда ҳисобот ва сайловлар бошланмоқда. Бу муҳим компания КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш бобида кенг меҳнаткашлар оммасининг ижоди ва меҳнат кўтаринкилиги ғоят авж олган бир пайтда ўтказилаётир. 1973 йил декабридан 1974 йил февралигача бўлган давр ичида ишлаб чиқариш корхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхозлар, идора ва ташкилотларда бўлажак йиғилишларда ўз сафига 311 мингдан ортиқ халқ назоратчиларини бирлаштирган 47 мингта группа ва постлар ҳисоб берадилар.

Халқ назорати том маънодаги кенг меҳнаткашлар оммаси олиб бораётган чинакам назоратдир. Улар касаба союзларининг жамоатчи назоратчилари, «Комсомол прожектори» отрядлари ва меҳнаткашлар депутатлари Советларининг комиссиялари билан ўзаро ҳамкорликда ва яқин алоқада бўлиб, партия ва ҳукумат директивалари, партия ва совет органлари қарорларининг бажарилишини муntазам назорат қилиб турадилар, хўжасизлик ва исрофгарчиликка, тўрачилик ва ўзибўларчиликка, давлат интизоми бузилишининг ҳамма кўринишларига қарши қатъий кураш олиб борадилар.

Кейинги икки йил ичида халқ контроли комитетлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида 40 мингдан ортиқ, группа ва постлар эса 100 мингдан ортиқ текшириш ва рейдлар ўтказдилар. Халқ назоратчилари ўзлари ишлаётган корхона ва совхозлар фаолиятига чуқур кириб борадиган, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва сифатини яхшилаш, резервлардан янада унумли фойдаланиш, меҳнат ва моддий маблағлардан тежаб-тергаб фойдаланиш масалалари билан яқиндан шуғулланадиган бўлиб қолдилар. Халқ контроли органлари ўтказаётган тадбирларнинг самарадорлиги бағоят каттадир. Буни қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин.

Республика Енгил саноати министрлигига қарашли корхоналарда халқ назоратчилари ўтказган текшириш пайтида пландан ташқари 63 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берадиган ички резервлардан фойдаланилмаётганлиги аниқланди. Агар ана шу резервлар ишга туширилганида аҳолига қўшимча тарзда 675 минг погон метр ипакли газламалар, 660 минг дона ички ва устки трикотаж, 268 минг жуфт чарм пойафзал ва бошқа кўплаб истеъмол моллари етказиб бериш имконияти вужудга келган бўларди.

Минглаб халқ назоратчилари бир қатор министрликлар ва идораларга қарашли қурилиш объектларида тежамкорлик режимини ўрганиш юзасидан оммавий текшириш ва рейдларда қатнашдилар. Ана шу текширишларда лойиҳаларга қайта-қайта ўзгартишлар киритилаётгани, арзон қурилиш материаллари ўрнига қимматбаҳо материаллардан фойдаланилаётгани, меҳнатни ташкил этиш ёмон уюштирилгани сабабли 206 та қурилаётган объект баҳоси нормадагидан 103 миллион сўм ошиб кетганлиги аниқланди. Халқ контроли группа ва постларининг актив иштирокида кўп миқдорда электр ва иссиқлик энергияси, ёнилғилар, рангли ва қора металлар, цемент ва бошқа материаллар тежаб қолинди. Техникадан, суғориладиган майдонлардан, минерал ўғитлардан тўғри фойдаланиладиган бўлди. Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи халқ контроли группаси ташаббуси билан қора металл прокатидан тежаб-тергаб фойдаланиш юзасидан белгиланган беш йиллик план бўйича ташкилий-техникавий тадбирлар қайта кўриб чиқилди. Группанинг «Комсомол прожектори» аъзолари билан ҳамкорликда ўтказган бир неча рейди 2 минг тоннадан ортиқ металл прокатини тежаб қолишга имкон берди.

Яна бир мисол: Янгиер райондаги «Фарҳод» совхози халқ назоратчиларининг ёрдами билан кейинги икки йил ичида 217 гектар, бутун «Голодностепстрой» системаси бўйича эса 1215 гектар нормадан ортиқча томорқалар қишлоқ хўжалиги оборотига киритилди. Бундай шикоят кўрсатиб ишлаётган халқ контроли группа ва постлари тобора кўпайиб бормоқда.

Пахта йиғим-терими мавсумида республикамиз колхоз ва совхозлари, «Узсельхозтехника» бирлашмаларида доимий ҳаракат қилаётган группа ва постлардан ташқари 4 мингга яқин вақтинча постлар ҳам ишлаб турди. Улар хирмонларда, тайёрлаш пунктларида йиғим-терим тақдири ҳал қилинаётган барча участкаларда пахта, дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари нобудгарчилиги олдини олдилар. Учқўрғон районидаги «Андижон», Избоскан районидаги «Ўзбекистон», Янгиариқ районидаги Охунбобоев номли колхозлар, Оқдарё районидаги «Даҳбет», Боёвут районидаги 3- «Боёвут» совхозлари халқ контроли группаларининг пахта йиғим-терими мавсумидаги фаолияти область ва район партия комитетлари томонидан маъқулланди.

Халқ контроли органларининг кенг қиррали фаолиятя КПСС XXIV съезди томонидан юксак баҳоланган эди. **«Халқ контроли органлари Совет социалистик демократияси системасида муҳим ўрин олади,** — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг съездга ҳисобот докладида. — **Ҳозирги вақтда миллионларча ишчилар, колхозчилар, хизматчилар бу органларнинг ишида қатнашмоқдалар. Партия кенг омманинг доимий ва амалий-таъсирчан контроли тўғрисидаги ленинча ғояларни оғишмай амалга ошириш ҳақида бундан буён ҳам ғамхўрлик қилаверади».**

Республикамиз халқ контроли группа ва постларида кейинги икки йил ичида қилинган ишларнинг талабчан кўриги ҳисобланадиган ҳисобот ва сайловлар ана шу юксак ишончни оқлаш учун ҳаракат қилмоқда. Ҳисобот ва сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда бу тадбирни ўтказиш қилинган ишлар кўриги бўлишини ҳисобга олиб, айни вақтда келажак учун ҳаракат программасини ишлаб чиқиш ҳамдир. Халқ контроли ходимлари ва активларидан партия ва ҳукумат қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун янада актив ва принципиаллик билан иш олиб бориш талаб қилинади. Назоратчилар халқ мулкини кўз қорачиғидек сақлаш ва кўпайтириш учун тинмай ғамхўрлик қилишлари, меҳнат ва юксак интизомлилик намуналарини кўрсатишлари лозим. Ишончимиз комилки, халқ контроли группа ва постларида бўлиб ўтадиган ҳисобот ва сайловлар улар фаолиятини янада активлаштириш, назоратнинг оммавийлиги, таъсирчанлиги ва ошкоралиги форма ҳамда методларини янада такомиллаштириш ишида муҳим роль ўйнайди.

И. АРНАУТОВ,
Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

ЎТ БИЛАН ЎЙНАШМАНГ!

«Халқаро кескинликни юмшатиш жараёни кучаймоқда, — деган эди Л. И. Брежнев. Япония бош министри К. Танака шарафига ўтказилган зиёфатда сўзлаган нутқида, — лекин дунёнинг айрим районларида можаролар ва кескинликнинг янги учқунлари бу жараёнга халал бермоқда». Ана шундай низолардан бири 1973 йилнинг 6 октябрида ўт очишни тўхтатиш чизиғида Исроил билан Миср ва Сурия ўртасида юз берди. Шиддатли жанглар бошланиб, уларда авиация, артиллерия ва танклар қатнашди.

1967 йилнинг июнида Тель-Авив уч араб давлати — Миср, Сурия ва Иорданияга қарши босқинчилик қилди. Исроил қўшинлари 60 минг квадрат километр жойни — ярим агрессия бошлангунига қадар бўлган Исроил территориясидан деярли уч баробар зиёд майдонни босиб олдилар. Ўшандан буён 6 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бироқ, Исроилнинг ҳукмрон доиралари араб ерларини қонунсиз равишда босиб олиш ва Фаластин халқларини ўз ватанларидан тикланишга ва Яқин Шарқ проблемаларини муҳокама қилишни талаб этаётган жаҳон халқлари овозига қулоқ солиш ўрнига араб давлатларга қарши агрессив сиёсатни қўрслик билан ўтказишда давом этаверди.

Сўнгги пайтларда Исроил қўшинларининг Сурия ва Миср Араб Республикаси билан ўт очишни тўхтатиш чизиғида кўплаб тўпланиши ҳамда резервларнинг ишга солиниши Исроил ҳукуматининг ниятини яққол кўрсатиб берди. Натижада бу районда ҳарбий ҳаракатлар бошланиб кетди.

Яқин Шарқдаги вазият араблар ўртасида бирдамликнинг мустаҳкамланиб бораётганлиги билан характерланади. Уруш бошланган кунлари Ироқ президенти Аҳмад Ҳасан ал Бакр ўз мамлакатининг бутун ҳарбий потенциали Исроил агрессиясига қарши қуришга тайёрлигини маълум қилди. Саудия Арабистони ўз ҳарбий кучларини қуролли курашда қатнашаётган араблар ихтиёрига берди. Бирлашган араб амирликларининг бутун ресурслари биринчи галда нефть урушаётган Миср ва Сурия хизматига йўйилди. Жазоир ва Тунис ҳукуматлари Исроил экстремистларига қарши адолатли курашда Миср ва Сурияни қўллаб-қувватлашга-ларини билдирдилар. Иордания қироли Ҳусайн ўз қўшинларини Сурия фронтига ташлади. Марокаш қиролининг чақириғига биноан барча резервистлар ва собиқ ҳарбий хизматчилар Исроилга қарши жангга отландилар.

Ўз медицина бўлинмаларини ва госпиталларини Миср ва Сурия ихтиёрига берган Кувайт ҳукумати нефть қазиб олувчи барча араб давлатларига мурожаат қилиб, «Исроил билан бўлаётган ҳозирги урушда араб нефтининг роли»ни муҳокама қилиш учун фавқулодда кенгаш ўтказишга чақирди. Саудия Арабистони Исроилнинг агрессия сиёсатини қувватлаётган ғарб мамлакатларига нефть сотмаймиз, деб огоҳлантириб қўйди.

Бундай баёнотлар қуруқ гап эмас. Эндиликда араб мамлакатлари сўздан амалий ишга дадил ўта бошлашди. Сўнгги 19 ой ичида Африкадаги 19 давлат араб ерларини қонунсиз равишда босиб олганликлари ва Жанубий Африка ирқчилари билан ҳамкорлик қилганликлари учун Исроил билан дипломатия муносабатларини узди.

Яқин Шарқда юз берган ташвишли аҳвол учун Америка империализми ҳам жавобгардир. Унинг ёрдамисиз Исроил ҳукумати агрессив ҳаракатлар қилишга ботинолмасди. АҚШдаги реакцион кучлар Яқин Шарқда юз берган вазиятдан фойдаланиб қолишга уринib кўрдилар. Қўшма Штатлар Исроилга қурол-яроғ етказиб беришни кучайтирди. АҚШ сенати бўлса ҳукуматнинг Исроил агрессорларига янги қурол-яроғ ва ракета етказиб бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлади. Бу билан АҚШнинг империалистик доиралари араблар тупроғида зўровонлик қилаётган Исроил сионистлари тегирмонига сув қўяётганликларини яна бир карра исботладилар.

Совет Иттифоқи Тель-Авивнинг босқинчилик сиёсатини қоралаб, араб халқларининг адолатли талабларини қўллаб-қувватлади. «Агар Исроил ҳукумати, — дейилади Совет ҳукуматининг баёнотида, — ўзининг экспансионистик интилишларига қул бўлиб, ақл-идрок овозига қулоқ солмаса ва босқинчилик сиёсатини аввалгидек давом эттириб, оккупация қилинган араб территорияларини ушлаб тураверса, Хавфсизлик Кенгашининг, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг қарорларини назар-эътиборга олмаса, жаҳон афкор оммасига шу тариқа дағдага қилаверса, бунинг оқибати Исроил халқига қимматга тушиши мумкин. Бундай аҳдга сигмайдиган йўлнинг оқибати учун Исроил давлатининг раҳбарлари тўла равишда жавобгар бўлажаклар». Бу позиция совет-лар мамлакати ташқи сиёсатининг синфий характерига мос келади. Зеро, у агрессияларга кескин қарши чиқмоқда ва бу йўлни турли тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш сиёсати билан қўшиб олиб бормоқда.

Совет халқининг адолатли талабини бутун жаҳон халқлари қўллаб-қувватлаб чиқдилар. Совет ҳукумати ва АҚШнинг талаби билан БМТ Хавфсизлик Кенгаши тиошилиниг чоралар кўрди. Натижада Исроил агрессорлари билан Араб давлатлари ўртасида қизиб кетган жанг тўхтатилди. Хавфсизлик Кенгашининг фавқулодда кучлари Яқин Шарқда воқеаларнинг боришини ва ўт очишни тўхтатишга оид БМТ қарорлари бажарилишини кузатиб турибдилар. Бу қарорлар қисман бажарилди, Исроил ва Миср ўртасида ҳарбий асирларни айирбошлаш давом этмоқда. Бироқ, исроил агрессорлари истеъдодларини тўхтатмаётирлар. Улар ҳамон ўт билан ўйнашмоқдалар. Бу ўйин ўзларига ҳам, бутун жаҳон халқларига ҳам нақадар хавфли эканини унутиб қўяётганга ўхшайдилар.

Евг. БЛОК,
доцент.

БУНЁДКОРЛАР

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақани қизитиб меҳнат қилаётган пойтахтимиз бунёдкорлари қувончли ютуқларни қўлга киритаётирлар. Уларнинг саҳоват билан шаҳримиз қиёфаси кун сайин ўзгариб, янада обод ва кўркам бўлиб боряпти. Кейинги йилларда шаҳримизнинг Қўйлиқ массиви таниб бўлмас даражада ободлашди. Бу ерда қисқа муддат ичида Қўйлиқ I, II, III массивлари қад ростлади. Шу йилнинг ўзида Қўйлиқда қатор уй-жой, маданий-маиший биноларидан ташқари 280 ўринли болалар боғчаси ҳам қурилиб фойдаланишга топширилди. Ҳозир янги трамвай линияси ётқизилиб, массивни шаҳар билан янада яқинлаштириш чораси кўрилмоқда. Бу ишда В. Турсенков проработик қилаётган участка қурувчилари «Главташкентстрой»нинг 3- трестидаги 30-қурилиш бошқармасида пешқадамлик қилишаётир. Улар янги йилга қадар 32 квартирали тўрт қаватли уй-жой биносини қўлдан чиқариш учун ғайрат кўрсатишяпти.

Мазкур бошқарманинг А. Таушкин бошлиқ участка қурувчилари ҳам бўш келишмаётир. Улар 9 минг аҳолига хизмат кўрсатувчи жамоат марказини жадаллик билан қурмоқдалар. Бу жамоат маркази Қўйлиқнинг 2-массивида бунёд этиляпти. У республикамиз олтин юбилейи арафасида ишга туширилади.

Жамоат марказини қуришда С. Ҳамроқулов бошлиқ бригада коллективи айниқса жонбозлик кўрсатмоқда. Бир йўла 50 савдо ходими ишлайдиган объектлар, озиқ-овқат магазини, кафе, буфет, ошхона, химчистка каби ўнлаб маданий-маиший хизмат кўрсатувчи бинолар тезкорлик билан тикланаётир. Ф. Сайфуддинов, И. Пузеревич, Г. Саломатова, Е. Селеварстов, М. Сатникова, Р. Юсупов каби бинокорлар кўпчилигида ибрат кўрсатиб ишлаб, кунлик топшириқларини доимо ортиғи билан ado этишяпти.

Ф. ИСАЕВ,
И. РУСТАМОВ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» КОНКУРСИГА

ТОҒ БУРГУТИ

ОЧЕРК

«Оға-ини» икки дарё Норин ва Қорадарё тоғлар оралаб келади. Қояларни емириб, ўзига йўл очади. Тўсиқларни писанд қилмай, тошдан-тошга урилиб, пишқиради. Гўзал водийга оқиб киради.

Кириб келишади-ю, бир-бирларини излашга тушади. Висолга интизор бўлиб, жаннатдек боғлар, бепоён пахтазорлар— экинзорларга тараладди. Каналлар бўйлаб Марказий Фарғонанинг бўз ерларини яшнатади. Бунёдкор халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати билан омухта бўлиб, кўк ўпар «оқ олтин» хирмонларини тиклайди. Мўл-кўл ноз-неъматлар яратади.

Яратишади-ю, ўз ишларидан ғўё кўнгиллари тўлмагандек бирлашиб, беҳисоб бойликлар очиш иштиёқида бир-бирини излаб, тинимсиз йўлида давом этадилар. Ниҳоят, бу «оға-инилар» Андижон областининг Жўжа қишлоғида учрашади. Қучоқ очиб бир-бирининг оғушига отилади. Йўл захматларидан тўйиб-тўйиб хаспратлашади. Фурсат етиб, ёлғизлик жонларига теккан бу икки «йўловчи» аллақандай тилда шивирлашади-да, кейинги йўлга биргалашиб кетади. Бироқ, улар нима деб шивирлашди экан! Буни ҳеч ким билмайди. Балки: «ёлғиз отнинг дони чиқмас» — дейишгандир. Ёки: «Куч — бирликда» дейишгандир. Бу ёғи «сир» бўлиб қолади. Бу «сир»дан воқиф бўлмоқчи бўлган саёқ Сирдарё бўйлаб кетса, «сир»нинг нималигини ўз кўзи билан кўради.

Бизнинг йўлимиз эса, тўғрироғи очеркимиз қаҳрамонининг йўли юқорига, Қорадарё бўйлаб, юксак тоғлар сари боради.

1930 йил баҳорида «сир»нинг боши Жўжа қишлоқлик чўпон Саркорбой оиласида ўғил туғилади. Бир неча кундан кейин суяги яйловда қотган тажрибали чўпон оиласи билан ўз отарларини тоғнинг ёзги яйловларига ҳайдаб кетади. Яйлов олис, чўпон йўли машаққатли. Йўл Қорадарёнинг ўнг қирғоғидан кўприк орқали чап қирғоғига ўтади. Қирғизистон ССРнинг Узган — Қуршоб шаҳарларидан ўтиб, Совет райони марказидан кунчиқар томон тик боради. Кўприк яна йўлни дарёнинг ўнг қирғоғига олиб ўтади ва юксак тоғлар бағрига кириб кетади. Йўқ. Бу ерлар қўй боқишга ярамайди. Чўпон учун ясси, нам, серўт яйловлар керак. Қўй ҳайдашда давом этади. У Қорадарёнинг бир ирмоғи Қорагулжа дарёси ва шу номдаги дара билан кетади.

Дарё баъзи жойларда тоғ жинсларини емириб, ўзига тор йўл очган. Қояли тик ён бағирлар вужудга келтирган. Ён бағирларда олча, тоғолча, олма, нок, баъзан ёнғоқ дарахтлари, зирк, наъматак, дўлана бута-лари ўсиб ётибди. Тоғ сўқмоғи баъзан пасайиб сув ёқасигача тушиб қолади, баъзан эса тик ён бағирлардан кўтарилиб дарёдан ўнларча, ҳатто юзларча метр баландда илон изидек бўлиб давом этади.

Бу машаққатли йўл билан чўпон бир-бир ярим ой йўл юриб, ниҳоят сернам, серўт яйловга етиб қолади.

Чақалоқ отда кетаётган онаси қучоғида қўй-қўзилар билан ўйнашади. Уларнинг маърашлари таъсирида пишиллаб ухлайди. От кишнашидан уйғонади. Кўзларини катта-катта очиб, хушёр тортади. Она сути билан қўшиб тоғнинг мусаффо ҳавосини симиради. Бепарво мўрғак қора кўзларини юксакликларга тикади. Табиат гўзалликларини қалбига тунаб, кўкўлар силсилали тоғлар бағрида ўсади. Юксак парвозларга шайланган тоғ бургутидек бўлиб улғаяди, вояга етади.

— Қирғизбой, — дейди бир куни ота қўй отарларини айланиб, отдан тушаётган 18 ёшли ўғлини чорлаб. — Кел бўтам, ёнимга кел. Сўзларимни уқиб ол, —унинг қўллари қалтирар, ҳира кўзлари нурсиз йилтираб, ўғлига тикиларкан, тоғ ҳавосида қорайиб кетган серажин юзи оқариб борарди. Қирғизбой отасининг аянчли аҳволига ташвиш билан тикилар экан, юраги изғирин ургандек бир «шиғ» этиб кетди.

— Мен энди қаридим, — деди чол ўзини дадил тутиб — шунга қарамай сени воя-га етказдик — деди у ҳамма қариялардек донолик билан ўғлига синовчан назар ташлаб. Чорванинг барча сир асрорини ўргандинг. Отарингни сонини эмас, наслини доимо яхшилаш пайидан бўл. Яхши зотни кўз қорачиғингдек асра, кўпайтир. Қўй—улкан хазина. Ма, чўпонлик таёғини ол, — деди у билак йўғонлигидаги бкр ярим қулоч келадиган оддий таёқни узатиб— Бу ир-ғай ёғочи. Агар у билан айиқнинг бошига солсанг, тил тортмай қолади. Уни қўлдан туширма.

— Хўп, — деди Қирғизбой отасидан эҳ-тиром билан таёқни қабул қилиб олар экан. — Уни қўлдан туширмайман.

Шундан бери мана 25 йил ўтиб кетди. Қирғизбой Саркоров ҳамон чўпонлик таёғини қўлида маҳкам ушлаб келяпти. Қўй-қўзиларини жонидай парваришлаб, наслини яхшилайди. Йилдан-йилга туёққа туёқ қўшади. Турмуш ўртоғи Бўлдиҳон, қизи Маҳфират, ўғли Авазбеклар билан бирга қишини водийда, ёзини эса мана шу — Узган тизма тоғлари яйловларида ўтказишади.

Биз чорвадорларнинг Советский массивидаги область штабидан Қирғизбой Саркоровни сўрадик. У қўзилатиш мавсумида ҳар юз бош совлиқ ҳисобига 170 тадан қўзи олиб, областда энг юқори кўрсатгични эришган, социалистик мусобақада ғолиб чиққан эди.

— Унинг отари анча узоқда, — деди штабда навбатчилик қилиб турган область қишлоқ хўжалик бошқармаси ветеренария бўлимининг бошлиғи Жамолиддин Камалиддинов. Биз унга мақсадимизни айтдик.

— Жуда соз, — деди у. — Бормоқчи бўлсангиз, мен шу томонга отланиб турибман, бирга кетамиз. Аммо айтиб қўяй, у ерга машина боролмайди. Фақат отда ёки пиёда юриш мумкин. Йўллар хавфли. Менга ҳам от келтиришди. Жўнадик.

15 киши бемалол сиғадиган каттагина кигиз ўтов, саранжом-сариштa. Атлас барқутдан қопланган янги кўрпа ёстиқлар. Газ плитада чой қайнаб турибди. Приёмник-дан Тошкент радиоси овози жаранглайди. Чарчаб келган эмасмизми, икковимиз ҳам ҳеч нарсага қарамай уйқуни урдик.

Уйғонганимизда, приёмникда чорвадорлар учун эшиттириш кетаётган экан. Ухлаб, ўзимизга келиб қолибмиз. Энди қулоқларимизга ҳам гап киради. Қирғизбой ҳам овқатланган келган экан.

— Яхши дам олинглар деб уйғотмадим, — деди у самимийлик билан. Новчадан келган, қотма, чайир бу йигитни қирқда эмас, ўттизларга кирган дейиш мумкин. Яйлов қуёшида қорайган юзлари таранг, силлиқ пешаналари ажинсиз. Қопқора қошлари остидаги ўткир қора кўзларида ёшлик барқ уриб турибди. Ихчам, чиройли қора мўйловлари унинг юзига бир оз жид-дийлик бахш этган. Эгнида янги гимнастёрка, бошида чуст дўппи.

— Менинг отам чўпон ўтган. Отамнинг отаси ҳам. У доимо: «Деҳқон деҳқонга бир йилда етади» — дерди. Бунинг маъносини кейинроқ тушундим. Уруғни нечтадан ташлаш, кўчатни неча тупдан қолдириш деҳ-қоннинг ўз қўлида. Чорвада, айниқса, қўй-чиликда, аҳвол бошқача. У қимнидан бир пиёла қуйиб, бизга узатди-да, сўзини давом эттирди, — Аввало, наслни тозалаш, сўнгра уни яхшилаш зарур. Бу бир неча йил изчиллик билан олиб бориладиган иш. Шундан кейингина тўққа тўқ қўшиб бориш мумкин. Бу яйловларда қадимдан ҳисор қўйлари боқиларди, — деди у бир оз ўйланиб туриб. — Бироқ қаровсизлик-дан уларнинг зоти айниб, каммаҳсул бўлиб қолди. Мана уч йилдирки, яйловларнинг йўллари текисланиб, асфальтланди. Бу қўй-ларни прицепли автомашиналарда ташиш имконини берди. Яйловлардан фойда-ланишда яхшиланди, яйловларимизда турли юқумли касалликлар тамоман тугатилди.

— Отарингизда совлиқлар қанча?

— 250 та совлиқдан 425 та қўзи олдим. 135 та совлиқ эгиз, 10 та совлиқ учтадан қўзи берди. Гап қўзи олишдангина иборат эмас, уни сақлаб қолиш ҳам керак.

У қорли чўққи ортидан кўриниб келаётган бир тўп қора булутга тикилиб қолди. Шундай қаттиқ тикилдики, ҳозиргина мулойим жилмайиб турган бу кўзларда гўё булутларни ёндиргудек ўт чақнар эди.

— Шу булутнинг авзойи бузуқроқ, — деди у жиддий ва қўйларни панароқ жойга тўплаш зарурлигини айтиб, узр сўради-да, олатўқе отини елдек учириб кетди.

Ҳақиқатдан ҳам, сал ўтмай, чарақлаб турган қуёш беркиниб, яйлов қора булутлар остида қолди. Кучли шамол туриб, ўтловларни силкита бошлади, сиичларни қисирлатди. Қулоқларимиз остида момақалдироқ қарсиллади. Чақмоқ олови тас-мадек кўзларимизни қамаштириб осмонни чизиб ўтди. Томчилаб турган ёмғир тез-лашиб, жалага айланди. Барра ўтлар ер бағирлаб қолди. Жилғалардан ариқ-ариқ лойқа сувлар оқиб, тобора кўпаяди. Катта-катта харсанглар остидаги тупроқни ўпириб, пастга қулатарди. Агар шу сел йўлига дуч келгудек бўлса, бутун-бутун отарларни нес-нобуд қилиши ҳеч гап эмасди.

Бу дахшатли манзара қандай бошланган бўлса, шундай тез барҳам топди. Шамол булутларни суриб кетди. Яна қуёш чарақлаб, яйлов аҳлини масрур қилди. Биз ҳам ўтовдан ташқари чиқдик.

— Қаҳрамонимизнинг ҳоли не кечди экан, — дедим Камолиддиновга. Унинг юзларида нимадандир ташвишланаётганлиги сезилиб турарди. Отланишиб, Қирғиз-бойнинг қўйлари томонга кетдик. У бир қир ортида экан. Бу ер чўзиқ ҳовуз шаклидаги катта дара. Уни улкан футбол ста-дионига ҳам ўхшатиш мумкин. Пастдан то қирнинг устигача Қирғизбойнинг отари ёйилиб ўтламоқда. Қўйлар миқтидек се-миз. Улар гўё маърашни эсдан чиқаргандек жим. Фақат серкаларнинг бўйнидаги қўнғироқнинг жаранги эшитилади. Қир устида турган Қирғизбой бизни кўриб, отига минди.

— Тинчликми? — деди у етиб келганда Камолиддинов.

— Тинчлик. Бу ерда гоҳ-гоҳ «мироблар» ўтлоқларни суториб турмаса ҳам бўлмай-ди-да.

— Бу ерда қанча қўйларингиз бор? — сўрадим мен қизиқиб.

— 800 дан ошиқроқ.

— Сиз ўтовдалигингизда уларга ким қа-райди?

— Ҳеч ким. Совсаганда сувлоқда, қайтиб яна ўтлоқда юришади — деди у гапга че-чанлик қилиб — Яйлов бепоён. Ҳаммаёқда қўй. Серка етаклайди, ит кўриқлайди. Дар-ҳақиқат бу яйловларнинг ободлиги қўй-қўзилар. Уларсиз бу ўтлаларда фойдасиз. Фақат қўйлар туфайлигина булар жун, те-ри, ёғ, гўштга айланиб, эл маъмурчилигига ҳисса қўшади.

— Биз бошқа отарлардан ҳам хабар олиб, кечкурун қайтиб келамиз, — деди Камолиддинов.

— Ундай бўлса мен ҳам бирга бораман, — деди Қирғизбой — Сизлар мана бу қир орқасидаги отарларга боринглар. Мен кўлнинг нариги томонидаги дўстлардан ха-бар олиб, сизларни топаман, — деди у бизга йўл кўрсатиб ва отига қамчи босди. Биз қир белига қараб от сурдик. Ҳа, чин-дан ҳам у чўққини кўзловчи. чўққидан эса, янада юксакроққа парвоз олувчи тоғ бўр-гути.

Усмон ҚЎЛДОШ,
Бўз районидаги «СССР 50 йиллиги» совхози.

Қисқа сатрлар

УЙЧИ. Район чорвадорлари за-фар қучдилар. Қабул пунктларига 539 тонна ўрнига 544 тонна гўшт топшириб, йиллик планни бажар-дилар. Бу муваффақиятга «Қизил равот» совхози, Охунбобоев ном-ли, «Комсомол», Калинин номли ва Энгельс номли колхозларнинг бўрдоқибоқарлари катта ҳисса қўшдилар.

М. ПУЛАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

БАЛИҚЧИ. Район чорвадорлари қабул пунктларига 3110 тонна сут топширib, йиллик планни мудда-тидан илгари бажардилар. «Оқ чашма» соҳибларидан яна 450 тонна сут топширишга қарор қилдилар.

А. ВАҲОБОВ,
С. ЙИГИТАЛИЕВ.

ЯНГИЙЎЛ. Давлатга 4590 тонна сут топширилди. Бу — ўтган йил-нинг шу давридагига нисбатан 640 тонна кўлдир. Планнинг бажари-лишига «Ленинизм», «Коммунизм» колхозлари чорвадорлари муно-сиб ҳисса қўшдилар.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

КИТОБ. Район бўрдоқибоқарла-ри областда биринчи бўлиб гўшт тайёрлаш йиллик планини бажар-дилар. Қабул пунктларига 1400 тонна семиз гўшт етказиб берил-ди .Мажбурият ҳисобига гўшт топ-ириш давом этмоқда.

О. АМИНОВ.

РОМИТАН. Чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусо-бақасига қўшилган район чорва-дорлари она-Ватанга 4375 тонна серқаймоқ сут топшириб, йиллик планни муддатидан илгари ошириб бажардилар. Қоракўл тери, тухум топшириш планлари ҳам ба-жарилди. «Оқ чашма» соҳиблари яна 450 тонна серқаймоқ сут топ-ширишга ахд қилдилар.

К. РАҲИМОВ.

ЛЕНИН. Район чорвадорлари гўшт тайёрлаш халқ хўжалик пла-нини бажарганликлари ҳақидаги галаба рапортига имзо чекди-лар. Қабул пунктларига 524 тонна гўшт топширилди. Бу зафарга «Правда Востока», «Коммунизм», Карл Маркс номли колхозларнинг қўшган ҳиссаси салмоқли бўлди.

А. ЎРМОНОВ.

„НАШТАР“НИНГ 50 ЗАРБАСИ

«Фитиль»нинг укаси «Наштар» чақалоқ,
Нима қўрқиш нима-билмасин мутлоқ.
«Фитиль»дан олиб у ўрнак-андоза,
Нуқсонга ўт очсин, бопласин роса!..

1966 йилда ўзбек кинематографчилари энгигина ўзларининг республика сатирик киножурналлари «Наштар»нинг биринчи сонини чиқара бошлаганларида, сиз юқорида ўқиган табрик сатрларини уларга Бутуниттифоқ сатирик киножурнали «Фитиль»нинг бош муҳаррири, машҳур совет сатирик ёзувчиси, Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сергей Михалков йўллаган эди.

«Наштар»нинг киноэкранларга чиқа бошлаганига мана атиги етти йил бўлди. Бугун биз унинг 50-сонини томоша қилиб турибмиз. Шу йиллар мобайнида «Ўзбекфильм» киностудиясининг сатирик цехининг ижодий ҳодимлари жуда катта ишларни амалга оширдилар. Киножурнал ўзбек кинотомошабинларининг энг севиб кўрадиган кино асарларидан бирига айланиб қолди.

«Наштар»нинг ўткир танқид ва фельетонлари, бюрократ ва бракчиларни, ароқхўр ва ишёқмасларни, ичвогар ва лаганбардорларни, туҳматчи ва текинхўрларни қон қақшатди. Аввало экранда кичик мультипликацион одам пайдо бўлади. У бир талай ҳарфларни экран бўйлаб сочиб юборади. Бу ҳарфлар «Наштар ҳажвий киножурнал»ёзувини ташкил этади. Залда қувноқ жонланиш бошланади. Томошабин билади — ҳозир «Наштар» аллақандай тўранинг ёки бирон ташкилотнинг, чала қолган объектнинг нуқсонини очиб ташлайди, пўстагини қоқади. Ҳа, чиндан ҳам шундай бўлаб чиқади.

Журналнинг микроновеллалари икки турдан-бадиий миниатюра ва ҳужжатли кинофельетонлардан иборат. Бу сюжетлар пухта ўрганилган материалга қараб, гоят ўткир, бадиий етук ва юқори савияда тайёрланади. Баъзан яширин камера усули қўлланилади. Жумладан, боқибегам раҳбар «Наштар» микрофони олдида ўзининг «қўлга киритган ажойиб ютуқлари» тўғрисида ҳаддан ташқари қўпириб, оғзининг таноби қочиб мақтана бошлайди. «Наштар» аввали ишни дўндирдим деб керилиб ўтирган бошлиқнинг афти-башарасини кинотомошабинга кўрсатгач, ёмон раҳбарлик оқибатида пайдо бўлган хўжасизлик, ишдаги нуқсонларни аямай фош эта бошлайди. Раҳбар мақтанади, камера нуқсон устига нуқсон кўрсатади. Мана шунақа палла-да зал роса кулгига тўлади...

Биз танқид қилибгина қолмай, ишдаги камчилик ва нуқсонларни тузатилиши тўғрисида ҳам қайғурамиз. Журналда кўрсатилган қусурлар оператив равишда тузатилишини кузатиб борамиз. Халқ хўжалигида гоят катта аҳамиятга эга бўлган, «Наштар» кўтарган проблемаларга яна қайтамиз, уни текширамиз, натижаси билан қизиқамиз. Бунинг учун журналда махсус рубрика очганмиз. У «Наштар» изидан» деб аталади.

Масалан, «Наштар» Наманган областидаги қон қуйиш станцияси ишидаги жиддий камчиликларни қаттиқ танқид ўти остига олди. Журнал чиққанидан кейин бу масала билан Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва областнинг тегишли ташкилотлари шуғулланди ва зарур тадбир-чораларни кўришди. «Наштар» бу масалага яна бир бор қайтиб, «Наштар» изидан» материалида қон қуйиш станцияси ҳозир яхши ишлаб турганини томошабинларга маълум қилди.

Киножурнал сценарийларини ёзишда республика адабиётчиларининг катта группаси иштирок этмоқда.

Халқимизнинг машҳур қулги усталари, донг таратган санъаткорлар сюжетларимиз қаҳрамонларидир. Булар орасида СССР халқ артисти Наби Раҳимов, ЎзССР халқ артистлари Ғани Аъзамов, Рауф Болтаев, Марям Ёқубова, Соиб Хўжаев, Ҳамза Умаров, Маҳсум Юсупов, республикада хизмат кўрсатган артистлар Бахтиёр Ихтиёров, Эргаш Каримовлар бор.

1966 йилда ташкил топган журналимиз ҳали ёш, у энди кучга тўлиб, маҳорати ошиб, наштари чархланиб, камол топиб келаётир. Журнал ижодий ходимлари орасида кўп йиллардан бери ишлаб келаётган режиссерлар Гиёс Шермуҳамедов, Анатолий Қобулов, операторлар Михаил Красиянский, Лев Симбирцев, рассом Ной Рабинович ва журнал директори Турди Исломовларнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ва тақдирлаб ўтмоқ керак.

«Наштар»нинг 50-сонини жамоатчилик, ҳаётимизда учраб турган камчилик ва нуқсонларга қарата отилган 50 зарба, деб-моқдалар. Киножурналимиз ижодий ходимлари журнални бундан ҳам ўткир ва таъсирчан этмоқ учун курашмоқдалар, янги ижодий парвозлар учун белни маҳкам боғлаб ишламоқдалар.

Сами АБДУҚАҲҲОР,
журналнинг масъул секретари.



Тошкент область Урта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз механизаторлари далаларни шудгорлаб қўйиш топшириғини муваффақиятли адо этдилар. Суратда хўжалигининг илғор трактурчиларидан Эргаш Холбўлтаев, Ташпўлат Дилмонов, Ашурали Нишонов, Тоир Розиқов ар акс эттирилган.

А. Тўраев фотоси.

МУДДАТИДАН ОЛДИН

Наманган области ва Наманган шаҳри саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш уч йиллик планини муддатидан олдин бажардилар. Йил охирига қадар топшириққа қўшимча равишда 65 миллион сўмлик турли хил маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

Бухоро области саноат корхоналарининг меҳнаткашлари беш йиллик топшириқни ошириб бажариш учун бошланган мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ўн бир ойлик планини муддатидан олдин бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

Узбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли совхозларнинг коллективлари социалистик мусобақани кенг авж олдириб, давлатга гўшт ва сут топшириш йиллик планларини муддатидан олдин бажардилар. Мева, узум, сабзавот, дон, қовун-тарвуз, пилла, жун топшириш топшириқларини анча ошириб бажарилди. (ЎзТАГ).

СОЦИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Андижон область партия комитети ҳузурида социология тадқиқотлар институти ташкил этилди. Институтнинг вазифаси район ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмушини чуқур ўрганишдан иборат. Бўз район партия комитети ҳузурида институтнинг филиали очилди. Институт филиали учта секциядан — халқ хўжалиги, идеология ва ташкилий-партиявий иш бўлимларидан иборат. Район партия комитетининг секретари Т. Қамчиев филиал раҳбари қилиб тасдиқланди.

Социология тадқиқотлар институтининг шунга ўхшаш филиаллари барча район партия комитетлари ҳузурида ташкил этилмоқда. (ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ:

Газетанинг 1 июнь сонида «Балои нафс» сарлавҳаси остида босилган фельетонда «Қарақалпақводстрой» трестига қарашли кўчма механизациялашган колоннага уя қуриб олган бир группа ҳаромхўрлар турли йўллар билан давлат маблағини талон-торож этаётганликлари тўғри очиб ташланган. Текшириш ўтказилганида фельетонда келтирилган фактлар тасдиқланди.

Сохта нарядларни имзо қўйиб тасдиқлагани ва ишчилардан таъмагирлик билан пул олганлиги учун колонна бош инженери Е. Ерниёзов, сохта нарядлар бўйича маош ёзганлиги, алдамчилик йўли билан давлат банкидан пул олганлиги ва таъмагирлик билан ишчилардан пул ундирганлиги учун колонна бош бухгалтери Д. Сарсенов вазифаларидан четлаштирилдилар. Сохта нарядлар тузганликлари, бажарилмаган ишларни қилинди деб қалбаки актлар тузганликлари учун колонна бўлинмасининг бошлиғи У. Айтмонов ва прораб Р. Махсетовларга қаттиқ виговор эълон қилинди.

Колонна раҳбарларига А. Шарипов бошлиқ бригада томонидан бажарилган ишларни ўлчаш ва унга қонунга биноан ҳақ тўлаш топширилди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

Оҳангарон районидаги Қорахитой қишлоғининг аҳолиси редакцияга ёзган хатда меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш масаласи тўғри қўйилган. Бу борадаги талабни қондириш чоралари кўрилди. 1-«Оҳангарон» совхозининг дирекцияси водопровод тармоғини ремонт қилиш вақтида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этди. Қудуқдан водопровод тармоғига сув чиқариб берувчи эски насос янгиси билан алмаштирилди. Темир йўлдан юқори томондаги йўлнинг бир қисми асфальтланди, қолган қисмига эса шағал ётқизилди.

Совхознинг 1-бўлимидаги ҳаммомни ишлатиш чораси кўрилди. Қишлоқда 140 ўринли болалар боғча-яслиси, янги магазин биноларн, икки километр узунликдаги йўлка қурилмоқда.

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ:

Олтиариқ районидаги Охунбоев номли колхозда жамоат ерлари талон-торож қиликаётгани ҳақида редакцияга ёзилган хат юзасидан текшириш ўтказилди. Унда келтирилган фактлар тасдиқланди. Колхозчилар томорқа участкаси сифатида белгиланганидан ортиқча фойдаланиб келган ва Водоканалнинг Олтиариқ район участкасига артезиан қудуқлари қазиш учун ажратиб берилган ерларга экилган экинларнинг ҳосили колхоз фойдасига олинди.

ПАЙАРИҚ РАЙОН ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

Редакция орқали олинган хат юзасидан текшириш ўтказилди. Унда «Ленинизм» колхозида жамоат ери қонунга зид равишда талон-торож этилгани тўғри нўрсатилган. Текшириш натижаси ижроном мажлисида муҳокама қилинди. Карим Аблазов, Саримсоқ Қўзибеков, Тошпўлат ва Сафар Ҳўрозовлар, Ҳасан Қўчаков қонунсиз эгалланган экинларнинг ҳосилини колхоз фойдасига олишди.

МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК САМАРАСИ

РЕЗЕРВЛАР—БОЙЛИГИМИЗ

Республикамиз енгил саноати йил сайин ривожланиб боряпти. 1971—1975 йилларда Ўзбекистон халқ хўжалиги тараққиёти планида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 35—40 процент, меҳнат унумдорлиги эса 34 процент ўсиши кўзда тутилган. Бунинг учун корхоналарни техника жиҳатдан намунали жиҳозлаш ва янги ускуналар билан таъминлаш ишлари саккизинчи беш йилликка нисбатан уч марта оширилади. Меҳнат унумдорлиги 1,5-2 баравар кўпаяди. Шунингдек, янги беш йилликда 15 та янги корхона ишга тушади. 1975 йилнинг охирига бориб, уларда 18 мингдан зиёд киши ишлайдиган бўлади.

Ҳозирги пайтда енгил саноат корхоналарида ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошиб боришида баъзи социал проблемалар туғилмоқдаки, бу — кадрларнинг қўнимсизлиги каби ҳолларнинг келиб чиқишига сабаб бўляпти. Ўзбекистон ССР Давлат план комитети ҳузуридаги иқтисодий илмий-тадқиқот институтлари демография ва меҳнат ресурслари бўлимлари томонидан республика енгил саноати корхоналарида ўтказилган тадқиқотлар ишлаб чиқаришда ҳаракатсиз ётган кўпгина резервлар борлигини ва бу соҳада йўл қўйилаётган қатор камчиликларни кўрсатиб берди.

Енгил саноат корхоналарида олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатадики, айниқса Андижон трикотаж фабрикасида, Наманган шойи ва костюмбоп газламалар комбинатида, Наманган 2-тикув ва Қўқон йигирув фабрикаларида аҳвол кўнгилдагидек эмас. Бу корхоналарнинг ҳаммасида кадрларнинг қўнимсизлигига бош сабаб — иш ҳақларининг пастлигидир.

Кўриниб турибдики, Енгил саноат министрлигининг у ёки бу тармоғидаги баъзи корхоналар ўзларининг ички ўртача иш ҳақига эга. Бу — меҳнатни нотекис ташкил этиш ва ишлаб чиқаришда механизациядан самарали фойдаланмасликнинг оқибатидир.

Фарғона тўқимачилик ва пойафзал фабрикасида қўл меҳнати билан банд бўлган ишчилар умумий ишчиларнинг 64 процентини, Андижон пойафзал фабрикасида — 52,5 процентини, Қўқон пойафзал фирмасида — 51,8 процентини, Намангандаги 2-тикув фабрикасида эса 38 процентни ташкил этади.

Бундай манзарани республикамиз енгил саноатининг бошқа корхоналарида ҳам учратиш мумкин. Корхона раҳбарлари қўл меҳнатини иш жараёнларини механизациялаш ҳисобига қисқартириш ҳақида, кам ҳақли ишларни механизациялаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш ҳақида ўйлаб қўйишлари лозим. Қолаверса, барча ҳўжалик ва жамоат ташкилотларининг маъмуриятлари ҳам ишни ҳудди шундан бошламоқлари керак.

Баъзи корхоналарда иш ҳақларини белгилашда қатор камчиликлар мавжуд. Масалан, Андижон трикотаж фабрикаси тажриба-статистика нормалари асосида ишлаб келяпти. Ўзбекистон Енгил саноат министрлиги 1972 йилда фабрикада ишлаб чиқариш қувватларининг 68 процентидан фойдаланган ҳолда маҳсулот тайёрлаш планини жорий этди. Ҳозир бу ерда ўрта разрядли ишчилар билан ўрта разряд бўйича бажариладиган ишлар ўртасида номувофиқлик бор. Бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатяпти. Натижада ниҳоясига етмай қолаётган юмушлар ошиб боряпти.

Ана шундай нуқсонлар туфайли иш ҳақларининг ўсиб боришида жиддий тўғноқлар содир бўляпти, онда-сонда бўлса-да, ишчиларнинг қўнимсизлигига дуч келинаяпти. Корхонанинг бир йиллик даромади ҳисобидан ишчиларга берилаётган мукофот пуллари қуруқ расмиятчилик билан сарфланяпти.

Сўнгги пайтларда айрим олимларимиз ва хўжалик раҳбарлари ишдаги қўнимсизликка қарши маъмурий чегара қўйиш масаласини кўтариб чиқишмоқда. Бизнингча бу — ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан нотўғри йўл. Акс ҳолда, корхона маъмурияти кадрлар таъминотига тўла эришолмай қолади. Ишчиларнинг моддий фаровонлигини намунали ташкил этишда, уй-жой шароитининг яхшиланишида ва ишлаб чиқариш учун қулай шароит яратишда мавжуд имкониятлардан маҳрум бўлиб қолади.


Ҳунар-техника мактаблари ва билим юртларида енгил саноат учун зарур бўлган оммавий касбдаги кадрларни тайёрлаш масаласи шу кунниинг талаблари даражасида эмас. Бу, ўз навбатида корхона ишчилари бажараётган иш сифатига салбий таъсир кўрсатяпти, маош озлигидан кўнимсизлик қоллари туғиляпти.

Узбекистон ССР енгил саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш сарф-харажатлари структураси бўйича иш ҳақлари анализ қилинганда, меҳнатга ҳақ тўлаш ва социал страхованиеда кескин камайиш ҳоллари юз бераётганини кузатиш мумкин.

Енгил саноат ходимларининг иш ҳақларини ошириш учун зарур иқтисодий асос халқ хўжалигининг ана шу тармоғи ишлаб чиқариш фаолиятида аллақачон яратилган. КПСС XXIV съезди тўққизинчи беш йилликда реал даромадларни аҳоли жон бошига ҳисобланганда 30 процентга, ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақини эса 20-22 процентга ошириш вазифасини ўртага ташлади. Халқ фаровонлигининг янги, ҳаётий тараққиётини таъминловчи тадбирларни белгилаб берди.

Республикамизда социалистик мусобақа авж олган ва моддий манфаатдорликни ошириш учун кураш гоят қизиган ҳозирги кунларда Енгил саноат министрлиги олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳам ана шулардан иборат.

И. МУЛЛАЖОНОВ,
иқтисод фанлари кандидати,
В. МОРОЗОВ,
иқтисодчи-инженер.



Фотомухбиримиз И. Глауберзон томонидан суратга туширилган бу манзара Ўзбекистон пойтахтининг энг кўркам жойларидан биридир. Бу ерда кўп қаватли улкан муҳташам бинолар сўнгги йилларда бунёд этилган.

АЖАБ САВДОЛАР

„ДЎЗАХ АЗОБИ“ ЭМИШ...

Бизнинг мамлакатимизда Коммунистик партия ва Совет давлати динга нисбатан ҳеч қачон маъмурий сиёсат тутмаган ва асло тутмайди ҳам. Диний эътиқод СССР Конституциясида ҳам мустаҳкамланган. Кишиларнинг бирор динга эътиқод қилиши, ишониши таъқиб остига олинмайди. Динга эътиқод қилиш ҳар бир фуқароннинг шахсий иши деб қаралгани ҳолда, айни вақтда, атеистик пропаганда учун ҳам кенг имконият яратилган. Бироқ динга ишонувчи кишининг динга эътиқоди йўқларга нисбатан камситилиши ёки ҳақорат қилинишига асло йўл қўйилмайди. Лекин шу билан бирга дин ниқобидаги қаллобларнинг қонунга хилоф бўлган ҳатти-ҳаракати билан ҳам мутлақо муроса қилолмаймиз. Чунки бизда дин давлатдан, черков мактабдан ажратилган.

Инсон хотирасини абадийлаштириш, қабристонларни ободонлаштириш ишига ҳеч қаерда бизнинг мамлакатимиздагидек катта эътибор берилмайди. Фақат қабристонларнигина эмас, халқ бахт-саодати учун курашган кишиларнинг азиз ва мўътабар номларини абадийлаштириш учун озмунча ишлар қилиняптими? Бу соҳада ҳам биз бировларнинг хайр-эҳсонига ва мурувватига асло зор эмасмиз! Мутлақо!

Минг афсуски, дин-бидъат ниқоби остида риёкорлик, алдамчилик, ғаламислик, текинхўрлик қилувчи шахслар онда-сонда бўлса-да, учраб қолади.

Бу киши билан учрашиб суҳбатлашсангиз, ўзини қўйнинг оғзидан чўп олмаган, бузоқнинг ҳақи бор деб, сигир сутини ичмаган, бутун умрини тоат-ибодатга бағишлаган қилиб кўрсатади. Икки гапнинг бирида «Омонатга хиёнат-диёнат-сизнинг иши» дейди. Худди у дунёга бориб ўз кўзи билан кўриб келгандай дўзах азобини тасвирлайди, қўрқитади.

Устоз кўрмаган шогирд ҳар маҳалла йўргалаб деб шундай одамлар ҳақида айтилган бўлса ажаб эмас. Нега десангиз, бундан бир неча йил аввал у киши одамлар муқаддас билувчи жойда бир эмас, икки лавозимни эгаллади. Худди шундай. Эгаллаб олди. Уни на бировнинг ишга тайинлади, на халойиқ сайлаган. Лекин шунга қарамай, у ўз фаолиятини кундан-кунга авж олдирди. Орадан кўп вақт ўтмай, пул деган дарахт барги тўкилгандай тушаверди.

Ушанда у ўз-ўзига ачиниб «Бир неча йил савдо соҳасида ишлаб, умрнинг бир қисмини озиқ-овқат, пиво сотиш билан ўтказибсиз эссиз... камина. Майли, эзгуликнинг кечи йўқ. Бунисига ҳам шукур» дерди-да, мўмай пулларни, фитр-садақаларни кўпайтириш режасини тузарди. Ақли етмаса қоида, қироатини ва мулозимат, тавозени ўрнига қўйиб, устозидан йўл-йўриқ кутарди. Ҳар қалай у кишининг эскичадан диний ўрта маълумоти бор. Бекорга унинг кўлларини олиб, мурид бўлганми ахир. Бу ерга келувчиларга ўқилган маъруза ва ваъзхонлик бинойидек самара бера бошлади. «Энгиси вазифа, — деб келишиб олишди улар, — гумон ва шубҳага ўрин қолдирмаслик. Филҳақиқат, гумон одамнинг имонидан жудо қилғусидир. Инчунун турли маросимларни кўпайтирмоқ, мардумни дўзах азоби ила қўрқитмоқ ва алдамоқ даркор». Ҳа, улар шундай режа тузишди. Навбат уни бажаришга, деб фотиҳа ҳам ўқишди.

Афтидан, имом эски мактабда болаларни жазолаш учун қўлланилган фалоқани унутган бўлса керак. Агар бу икки шахснинг шу ерда қилаётган кирдикорларини кўрса, қорини ўқитган ўша домласнинг ҳам эзрдаси қайнаб «юз дарра қорига», «мутавалини эса кучингиз етгунча уринг» деб бўюриши турган гап эди.

Воқеа қаерда содир бўляпти-ю, фотиҳага қўл очганлар ким? — деган савол туғилиши турган гап. Таниши: Уларнинг адреси—Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги 2-Яланғоч қабристони. Пир билан мурид эса 1905 йилда туғилган Мирахмад қори Юсупов (турар жойи — Красновосточная кўчаси, 85-уй) ва Мирфозил Одилов, 1905 йилда туғилган (3-Интизор проезднинг 15-уйида истиқомат қилади). Қабристондаги лавозимлари: Мирахмад қори — имом, М. Одилов эса «ўриндошлик» асосида қўшалоқ вазифада — мутавали ва назоратчи.

Хўш, шундай бўлса нима қилибди? Шунга ҳам ота гўри-қозихонами? Домла-имом ва мутавалли ҳар бир масжидда ҳам бор-ку, дейишингиз мумкин.

Гапнинг индаллосини айтганда, юқоридаги қори билан мутавали мазкур қабристонни оталаридан қолган «маҳр» деб билиб, уни бойлик орттириш манбаига айлантиришган. Одамлардан турли маросимларда тушган пулларнинг, фитр-садақаларнинг бир қисмига гўё қоровулхона биноси, бироз ўтиб 85 квадрат метр саҳнли масжид ҳам ўзбошимчалик билан қурилди. Унга керакли жиҳозлар: меҳроб, жойнамоз ва саллалар харид қилинди. Бу ишлар уларнинг шахсий манфаатини кўзлаб қилинганлиги тез орада аҳолига маълум бўлиб қолди.

Шундай қилиб, 1968 йилда қорининг ёнига Мирфозил Одилов қўшилгач, икки ёрти бир бутун дедилар-да, фаолиятларини тағин ҳам авж олдиришди. Чунки Мирфозил Одилов тегирмонга тушса бутун чиқадиганлар тоифасидан. Тезда қабристонни ободонлаштириш, керакли бинолар қуриш бахонасида бир неча маҳалла аҳолисидан анчагина одамларни ҳашарга чақирди. Турли-туман диний маросимларни рўкач қилиб, кишилардан пул йиғди ёки йиғдирди.

Сохта мутавали ва мозор назоратчисининг бу ишини кўриб, баъзилар: «у ўзини дину ислом йўлига бағишлаган дарвешсифат одам экан» деса, унинг мақсадини тушунганлар «Пул дарди — кабоб» деганлар. Ҳамма гап балойи-нафсда. Мўмай пул топиб, мазахўрак бўлиб қолишдан дейишди. Хуллас, баъзи одамлар гап билан овора, мутавали эса пул йиғиш билан банд.

Доқа рўмол қуригунча, у ишончли шогирдлар ҳам топди. Ҳалим пиширамиз деб маҳаллаларга ўзининг вакилларини йўллади. Айрим маҳаллалардаги баъзи қолоқ кишиларни авраб-алдаб уларни ўз югурдакларига айлантириб олдилар. Бу беқарор, субутсиз, эски урф-одатларга берилувчи шахслар бу икки текинхўрга холис хизмат кўрсатишди. Кўз очиб-юмгунча, худди ўша югурдаклари Одиловнинг қўлига 1500 сўмни санаб беришди. Энди мутавалининг тадбиркорлигига ўзингиз ҳам иқрор бўлгандирсиз.

«Гардга чиқди, унга чиқди» дегандай, ҳалим ҳам нариданберига қилинди. Ҳамма пулни сарфлаб қори билан мутавали жинни қўйнинг калласини ейишибдими. Қолаверса, пул деган бўҳчининг мокисидай келиб турибди. Лекин бу пуллар қаёққа кетяпти? деб суриштирувчилар топилмади. Ана шу йиллар мобайнида неча минг сўм пул йиғилганлигини ҳатто сохта масжиднинг сохта имоми ҳам билмади. Унинг аниқ миқдори фақат бир шахсга—мутавали Мирфозил Одиловга аён. У бировга билдирмайди. «Айтилган гап—сир эмас» деган мақолга амал қилади-да!

Наҳотки ҳақиқий аҳвол Мирфозил Одилов айтгандай бўлса? Наҳотки 2-Яланғоч қабристонида ётган марҳумлар хотирасини бажо келтириш ҳақида сохта имом билан чиллаки мутавалидан бошқа ҳеч ким ўйламаган бўлса?! Бу —ўша масжиддаги икки қаллоб ва қабристондаги қўша юзинди-хўрнинг уйдирмаси, холос. Чунки бизнинг жамиятимизда меҳнаткаш инсон-бебаҳо бойликдир. Унинг иззат-икроми, хотираси тириклигида ҳам, вафотидан сўнг ҳам ўрнига қўйилади. Инсон хотираси биз учун доимо азиз! Буни яхши тушунган кенг жамоатчилик Юсупов ва Одиловларнинг қилмишига томошабин бўлиб қололмадилар. Бир неча маҳалла аҳолисининг иштирокида бу икки шахснинг ғайри қонуний ишларини текшириш учун комиссия тузилди. Комиссия аъзолари иш бошлагач, имом билан мутавали ёлғончилик, кўзбўямачилик, қаллоблик йўлига ўтиб олишди. Бир неча йилдан бери уларнинг ҳатти-ҳаракати билан ҳеч ким қизиқмагани учун комиссия аъзолари азроил бўлиб кўринди. Дарров сохта актлар тузишди. Текширишда шу нарса аниқландики, беш йил мобайнида қалбаки масжидга гўё 5324 сўм пул тушганмиш. Бу уларнинг ортаки айтгани. Гўё 3 минг сўми Одилов ва Юсуповлар томонидан қабристонни ободонлаштиришга сарфланганмиш. Фақат 1969 йилда шаҳарга қатнаш учун 300 сўм-у 45 тийин сарфланганмиш. Бунга ким ишонади?!

Аслида, қабристонни ободонлаштириш учун Куйбишев район ижроия комитети томонидан ажратилган 150 минг сўмнинг 100 минг сўмдан ортиғи шу йиллар мобайнида ўзлаштирилган.

Шак-шубҳасиз, уларнинг кирдикорлари софдил маҳалла меҳнаткашларида ғазаб ва нафрат уйғотди. Уларнинг жирканч қилмишлари юзасидан тегишли ташкилотларга, газета редакцияларига шикоят—аризалар йўллашди.

Буни ҳаммадан олдин қабристон ёнида яшовчи бир киши билган эди. У марҳумлар хотираси соясида ювиндихўрлик қилаётган бу кимсаларнинг қилмишидан нафратланиб «Мутавалими ё ситамкормиз» сарлавҳали мақоласини Тошкент область газеталаридан бирига 1971 йилнинг август ойида юборди. Унинг хати текшириб, чора кўриш учун Куйбишев район ижроия комитетига юборилди. Орадан кўп ўтмай район ижроия комитети раисининг ўринбосари Е. Прасолова имзоси билан редакцияга жавоб хати ҳам келди. Олдиндан айтиб қўямиз. Жавоб хати ниҳоятда расмиятчилик билан ёзилган. Меҳнаткашларнинг сиғналларига бепарволик билан қаровчи одамгина бундай хатга қўл қўя олади. Жавоб хати «...Гражданин... туҳматчилигин учун жиддий огоҳлантирилди», деган жумла билан тугаган.

Хуллас, гап ана шундай. Ўз шахсий манфаатлари йўлида халқни алдаб, талаб келаётган, гўё ўзларини одамларга яхшилик, савоб иш қилаётгандек кўрсатаётганлар эл-юрт олдида шармандаю-шармисор бўлиши турган гап.

У. АБДУЗИМОВ.

САМБО БЎЙИЧА СССР КУБОГИ УЧУН КУРАШ ТУГАДИ

ЎСИШ БОР...

Республикамиз пойтахтининг энг кўркам бинолардан бири—марказий «Юбилей» спорт саройи тўрт кун давомида гавжумлашиб турди. Минглаб мухлислар спортнинг энг қизиқарли турларидан ҳисобланган самбо мусобақаларини томоша қилиб, қизғин беллашувлардан завқландилар.

Катта мусобақада деярли барча иттифоқчи республикаларнинг терма командалари ҳамда Москва ва Ленинград самбочилари совриндорлик учун курашдилар. Мамлакат кубоги учун мусобақалар давра системасида, командаларни тўрт группага бўлган ҳолда ўтказилди. Мусобақа иштирокчилари орасида РСФСР командаси аъзолари ҳар жиҳатдан устун эканликларини намойиш этишди. Ҳал қилувчи финалга группа голиблари сифатида РСФСР, Украина, Грузия ва Москва командаси вакиллари чиқишган бўлса-да, кубок эгаси бўлиш россияликларга насиб қилди.

РСФСР командаси самбочилари финалда ғалаба нашидасини сурдилар. Бунда Г. Бирюков, К. Герасимов, С. Косаев, В. Кливаденко наби халқаро майдонларда ном қозонган спорт мастерлари ўз командалари шарафи учун астойдил куч сарфлаб, маҳорат кўрсатдилар. Ана шу самбочиларнинг қўлга киритган ғалабалари РСФСР командасини мамлакат кубоги эгаси бўлишини таъминлади.

Мусобақада майдон эгалари—Ўзбекистонлик самбочилар ҳам муваффақиятли иштирок этдилар. Самбочиларимиз Қозоғистон ва латвиялик тенгқурларини мағлубиятга учратиб, ярим финал беллашувларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Тўғри, спортчиларимиз финалга чиқишолмади. Республика командаси 7-ўринг билан кифояланди. Аммо, вакилларимизнинг ютуғи шундаки, уларнинг беллашувларида самбонинг техник ва тактик жиҳатлари мукаммал эгалланган, маҳорати ошгани намоён бўлди. Командамиз ўтган йили ватанимиз пойтахти Москвада ўтказилган мусобақада сўнгги 16-ўринни эгаллашганди. Кўринниб турибдики, уларнинг бу йилги машқларида ҳам, тайёргарликларида ҳам, қолаверса мухлислар олқишига сабаб бўлган беллашувларида ҳам сезиларли ўзгариш бор.

Самбочиларимизнинг бундай ютуқларининг боиси ҳақида республика терма командасининг катта тренери Г. Калетнин шундай ҳикоя қилади:

— Сирасини айтганда ҳаракатларимиз зое кетмади. Тошкентда ўтказилган мусобақаларда самбочиларимиз сафида ҳам, маҳоратида ҳам ўсиш-ўзгариш борлигини кўрдик. Мазкур мусобақага тайёргарлик кезлари тренерлар составини янгиладик. Бир қанча ёш, истеъдодли курашчи йигитлар командага қабул қилинди. Собир Қурбоновнинг йирик ғалабасини табриклаш керак. Собирнинг таниқли самбочи, халқаро майдонларда донг таратган А. Фёдоровнинг курагини ерга тегизади деб ҳеч ким ўйламаганди.

Қурбоновнинг бу муваффақиятини катта спорт йўлида эришган дастлабки қадами, дейиш мумкин. Командамизнинг нисбатан бир мунча юқори ўринни эгаллашида шунингдек, унинг сафдошларидан Ф. Айбадуллин, Г. Бобониёзов, О. Ордиянцлар ҳиссаси бўлди. Эндиги марра ва ҳаракатлар келаси йили Каунас шаҳрида ўтадиган шахсий команда биринчилигида ғалаба билан қайтиш.

Р. ШЕРАЛИЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

3 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА. 16.15— МОСКВА. 16.20 — Янгиликлар. 16.30 — Адабий кўрсатув. 17.30— Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.00— ТОШКЕНТ. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — Совет Армияси жангчиларн учун кўрсатув. 18.35 — «Ахборот». 18.50 — Оламда нима гап? 19.10 — Ўн минут музика. 19.20— Андижон сув омбори қурилишида. 19.50 — Латвия ССР Ватанга рапорт беради, (Москва). 20.40 — «Ахборот». 21.00 — Мушоира этади давом. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Спектакль). ИККИНЧИ ПРОГРАМА. 18.00 — МОСКВА. 18.30 — Ҳужжатли фильм. 19.05 — Концерт. 19.30 — Кинокўрсатув. 20.40 — МОСКВА. 20.50 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 22.00 — Спорт кўрсатуви. 22.30 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

4 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — **Умр** (адабий театр). 20.00 — Ўн минут музика. 20.10 — «Ахборот». 20.30 — «ОЛТИН ВОДИЙ». 22.00 — «Вақт». 22.30 — **Ўжарлар** (спектакль). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. 12.00 — **Александр Невский** (бадиий фильм). 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Шеърият. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.10 — «Голубой огонёк» саҳифаларида. 20.50 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильмнинг 3-серияси). 22.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади (Тошкент). 22.30 — Ҳужжатли фильм. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Ўқув кўрсатуви. 20.00 — Ҳужжатли фильм. 21.00— Бадиий ҳаваскорлар концерти. 21.30 — **Дилбарим** (бадиий фильм).

5 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Бахтимизни куйлаймиз. 10.45 — «ҲОСИЛ БАЙРАМИ» (Тошкент ипподромидан олиб кўрсатилади). 11.55 — МОСКВА. 18.15 — ТОШКЕНТ. 18.20 — «Юлдузча». 19.00 — Ахборот». 19.15 — Бугун — СССР Конституцияси куни. 19.30 — Бахтимиз қўшиқлари. 20.10 — «Ахборот». 20.30 — «ҲОСИЛ БАЙРАМИ». 22.00 — «Вақт». 22.30 — «ЗЕҲН». ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00—МОСКВА. 11.05— Янгиликлар. 11.10 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.15 — Москва ва москваликлар. 18.45 — Совет гимнастикачиларининг ғалабаси. 19.30 — Цирк чироқлари. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.40 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильмнинг 4-серияси. 22.00 — Ёшлар овози (Тошкент). 22.30 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.15 — Янгиликлар. 19.30 — Фильм-концерт. 20.20 — **Ҳукумат аъзоси** (бадиий фильм).

6 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Кинофильм. 19.10 — Шеърият мухлисларига. 19.20 — «Ахборот». 19.40 — Ўн минут музика. 19.50— «Ёшлик» студияси кўрсатади. 20.40 — «Ахборот». 21.00 — «ҲОСИЛ БАЙРАМИ». 22.00 — «Вақт». 22.30 — **Экран хандаси**. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 18.30 — МОСКВА. 19.15 — Концерт. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.50 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильмнинг 5-серияси). 22.00 — Ихтисодий билимлар клуби (Тошкент). 22.30 — Эфирда «Молодость». УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 20.15 — Фильм-концерт. 20.55 — **Бир полк созандалари** (бадиий фильм).

7 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Телефильм. 18.55 — «Ёшлик» студияси кўрсатади 19.20 — «Ахборот». 19.35 — Социализм дунёси (Москва). 20.10 — Миллионлар ленинча университети. 20.25 — Ўн минут музика. 20.35— «Ахборот». 20.55 — **Оламга саёҳат.** 22.00 — «Вақт». 22.30 — Концерт. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви . 18.30 — МОСКВА. 19.35 — Концерт. 20.45 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильмнинг 6-серияси). 22.00 — Пабло Неруда ижоди (Тошкент). 22.30 — Ёзувчи Борис Полевой ижодининг саҳифалари. 23.15 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19. 00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — Тошкентнинг бугуни ва эртаси. 20.25 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.55 — **Тўрғай** (бадиий фильм).

8 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.45 — ТОШКЕНТ. 9.50 — Янгиликлар. 10.00 — Мультфильм. 10.20 — **Телеминиатюралар.** 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10— Моҳир қўллар. 11.40 — «Здоровье». 12.10 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильмнинг 7-серияси). 13.25 — Рақс ҳаёти. 13.55 — Шеърият. 14.10 — Қўлбола санъатни мақсадлар ишлаб чиқарийлик. 14.40 — **Менинг муҳаббатим** (бадиий фильм). 16.00 — Концерт. 16.30 — Ота-оналар, сизлар учун. 17.00 — ТОШКЕНТ. 17.05 — Қувноқ стартлар. 17.55 — Фильм-концерт. 18.20 — «Ахборот». 18.35 — «ТАЪЗИМ». 20.20 — Ўн минут музика. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Актерлар ва роллар. Рихси Иброҳимова. 22.00 — «Вақт». 22.30— ТОШКЕНТ. **Утган кунлар** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 11.30 — **Чапай шунқорлари** (бадиий фильм). 13.00— Ўқув кўрсатуви. 14.00 — Ўзбекистон дўстлар кўзи билан. 17.00 — МОСКВА. Мультфильмлар. 17.30 — Концерт-вальс. 18.00 — Спорт программаси. 18.40 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильмнинг 7-серияси). 20.15 — Телефильм. 20.40 — Спектакль. 22.00 — Тележурнал. 22.30 — Спектаклнинг давоми. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

9 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — **Ерти қулоқ** (телеспектакль). 10.20 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — «Будильник». 11.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.40 — Телеспектакль. 13.15 — Халқаро панорама. 13.45 — Музикали киоска. 14.15 — **Дубровский** (бадиий фильм). 15.30 — 1973 йил қўшиқлари. 16.00 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 17.00 — Қишлоқ янгиликлари. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — «Колокольчик» клуби. 18.35 — Кўғирчоқ фильм. 18.55 «Ахборот». 19.10 — Лутфий лирикаси. 19.30— **Телеминиатюралар.** 20.10 — «Ахборот». 20.30 — Дўстлар табриги. 21.00 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 **Шум бола** (телеспектаклнинг 2-3-қисмлари). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.00 — МОСКВА. Мультфильмлар. 18.30 — Шу куннинг куйлари. 19.20 — Спорт программаси. 20.50 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильмнинг 8-серияси). 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — А. Новичевнинг ижодий кечаси. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — «До-ре-ми-фа-соль». 10.10 — **Бремен созандалари** (мультфильм). 10.30 — «Светофор». 11.00 МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — «Будильник». 11.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.10 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 13.00 — Рус романси. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30— Ҳужжатли фильм. 15.30 — Мультфильмлар. 16.00 — Музикали киоска. 16.30 — Кинопанорама. 18.10 — ТОШКЕНТ. 18.15 —Мультфильм. 18.25 — «Янгра, барабан». 18.50 — «АХБОРОТ». 19.10 — Андижон сув омбори қурилишида. 19.40 — **Телеминиатюралар.** 20.20 — Халқаро панорама (Москва). 20.50 — «АХБОРОТ». 21.10 — Ёш ижрочилар концерти. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — «ЗЕҲН». **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.10 — МОСКВА. 18.40 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 19.40 — Оперетта ишқибозлари, сизлар учун.. 20.10 — Ҳужжатли фильм. 20.50 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильмнинг биринчи серияси). 22.00 — Киноэкран янгиликлари. 22.30 — **Телеминиатюралар.** УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.40 — **ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 2/XII да **Евгений Онегин** (кундузи), **Севги тумори** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/XII да **Бой ила хизматчи** (кундузи), **Олтин девор** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/XII да **Қайнона.** 3/XII да **Ҳалима.**

КИНО

Жавоҳир маликасига ҳужум — «ЎЗБЕКИСТОН», «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Кум карьери генераллари — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11.00, 16.00, 18.30), «ДРУЖБА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), ҲАМЗА номли (17.00, 19.00, 20.45), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 16.00, 18.00).

Бувисиз ўтган умр — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (10.30, 21.30).

Привалов миллионлари (2 серия) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (13.30, 21.00).

Ҳамроҳ (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Кашмирдаги севги — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

БАХТЛИ РАҚАМЛАР

КАЛИНИНГРАД шаҳрида 30 ноябрда ўтказилган «СПОРТЛОТО» ва 2-«СПОРТЛОТО»нинг навбатдаги тиражида қуйидаги рақамларга ютуқ чиқди.

«СПОРТЛОТО»
1, 10, 32, 35, 39, 49

2-«СПОРТЛОТО»
5, 7, 12, 22, 32, 40

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР
Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Б. — 284. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 03878.